Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz ● www.adolat.uz ● № 23 (882) ● 2012 йил, 8 июнь, жума

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5-7 июнь кунлари расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Хитойга ташриф асносида Ўзбекистон Президенти Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг 12-мажлисида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг Хитойга ташрифи чоғида олий даражадаги Ўзбекистон — Хитой мулоқоти устувор аҳамият касб этди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, яъни, икки мамлакат давлат мадҳиялари янграб, фахрий қоровул ҳарбий ҳурмат бажо келтирганидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг учрашув ва музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Ху Цзиньтао қадрдон дўсти — Президент Ислом Каримов билан яна учрашиб турганидан бахтиёр эканини таъкидлади. Хитой ва Ўзбекистон, деб қайд этди у, биргаликда муҳим тарихий воқеани, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигини нишонламоқда. Ушбу ташриф икки томонлама муносабатлар ривожига янги суръат бахш этади. Ўзбекистон раҳбари билан икки томонлама муносабатларга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар бўйича батафсил фикр алмашишга тайёрлик изҳор этилди.

Ушбу ташриф, ҳеч муболағасиз, тарихий аҳамиятга эга бўлиб, унинг асносида мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин ўтган йигирма йил давомида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг натижалари сарҳисоб қилинди.

Давлат раҳбарлари томонидан Стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги кўшма декларация имзолангани ташрифнинг энг муҳим натижаси бўлди.

Дунёнинг қудратли мамлакатларидан бири бўлган Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг юксалиб бораётган иқтисодий ва сиёсий салоҳияти ҳамда давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топганини эътироф этган ҳолда, ўзаро муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасига кўтаришдан манфаатдор эканини билдирди.

Мазкур давлатлараро ғоят муҳим ҳужжатни тайёрлаш ва қабул қилиш учун икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари узоқ ва самарали иш олиб борди.

Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги декларацияда баён этилган қоидаларни самарали амалга ошириш давлатларимизнинг туб ва узоқ муддатли манфаатларига мос келади ҳамда Марказий Осиё минтақасида барқарорликни, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикасига қадимий тарих ва ноёб маданиятга, улкан салоҳиятга эга бўлган буюк қўшни, жаҳон иқтисодиёти ва глобал муаммоларни ҳал қилишда ҳақли равишда етакчи ўрин тутадиган мамлакат сифатида қаралади.

Мамлакатларимизнинг глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кўплаб долзарб, кечиктириб бўлмайдиган масалаларга қарашлари ва уларни ечишга ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.

Хитой томони Хитой раҳбариятининг ҳар томонлама пухта ўйланган ва ўзгармас сиёсий йўли, унинг ягона Хитой, жумладан, Тайвань ва Тибет бўйича принципиал сиёсати, "уч ёвуз куч — терроризм, экстремизм ва айирмачилик"ка қарши олиб бораётган муросасиз кураши Ўзбекистон томонидан қатъий ва изчил қўллаб-қувватлаб келинаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Хитой раҳбари томонидан Ўзбекистон-Хитой муносабатларини барқарор ва соғлом ривожлантириш жараёнидаги ижобий тенденцияларни изчил давом эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат барча даражалардаги фаол мулоқотларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда, ўзаро сиёсий ишонч мустаҳкамланмоқда. Кейинги йилларда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмининг қирқ баравардан зиёд ошгани унинг жадал ўсаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон раҳбарининг кўп асрлик тарихга эга бўлган дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган буюк ҳиссасига юксак баҳо берар экан, ХХР Раиси Ўзбекистон юритаётган ички ва ташқи сиёсатни қатъий қўллаб-қувватлашини таъкидлади, шунингдек, мамлакатимизнинг ички ишларига ҳар қандай аралашувларга қарши эканини қайд этди.

Ху Цзиньтао икки томонлама ҳамкорликнинг барча жиҳатларини амалга ошириш бўйича ўз таклифларини баён этди.

Биринчидан, ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш, бирбирини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, ҳамкор томон танлаган тараққиёт йўлини қатъий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқаро ва минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорликда ва ўзаро келишган ҳолда иш юритиш.

Иккинчидан, ишбилармонлар ҳамкорлигини, савдо-иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, нохомашё ва юқори технологиялар соҳаларига оид ҳамкорлик режаси ижросини жадаллаштириш, биргаликда махсус иқтисодий зоналар ҳамда иқтисодий ва технологик ривожланиш зоналарини барпо этиш, транспорт инфратузилмаси соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Учинчидан, хавфсизлик соҳасида, "уч ёвуз куч", контрабанда ҳамда трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда яқин ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш.

Тўртинчидан, маданият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, икки томонлама ташрифлар ва мулоқотларни, айниқса мамлакатларимиз ёшлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро англашув ва дўстлик асосларини чуқурлаштириш.

Ўзаро ҳамкорликнинг бутун минтақа манфаатларига мос келадиган асосий йўналишларидан бири — транспорт-коммуникация алоқаларини янада ривожлантиришдир. Шу нуқтаи назардан томонлар Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон йўналиши бўйича темир йўл қурилиши лойиҳаси тезроқ амалга оширилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Бу йўл ХХРдан Ўрта ва Жанубий Осиё мамлакатларига энг қисқа транспорт маршрути юзага келишини таъминлайди.

Томонлар ташриф доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг қирқдан зиёд савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ва шартномалар имзоланганини мамнуният билан таъкидладилар.

"Биз доимо Ўзбекистоннинг содиқ дўсти ва ишончли ҳамкори бўлиб қоламиз", деди ХХР раҳбари учрашув якунида.

Президент Ислом Каримов ХХР Давлат кенгаши Раиси Вэнь Цзябао билан учрашиб, музокара ўтказди.

Хитой ҳукумати раҳбари Хитой Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақил тараққиётини қатъий қўллаб-қувватлашини таъкидлар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ва кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга, Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

ХХР Давлат кенгаши Раиси икки мамлакат раҳбарлари ташаббуси билан тузилган Ҳамкорлик қўмитаси ва унинг таркибидаги турли йўналишлар бўйича олти қўйи қўмитанинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Нефть-газ ва нефть кимёси, кимё, тоғ-кон саноатида, транспорт ва логистика, машинасозлик, телекоммуникациялар соҳаларида сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболи порлоқ экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва ХХР "Ўзбекистон — Хитой" газ қувурини барпо этиш ва ундан фойдаланиш лойиҳасини амалга оширишда фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу лойиҳа ХХРга узоқ муддатли асосда табиий газ етказиб бериш учун барқарор транзит йўлагини шакллантириш имконини беради.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва халқаро ташувларни ташкил этиш соҳасида муҳим келишувларга эришилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 июлидан Навоий авиахаби ва Хитойнинг Тяньжин авиация хаби ўртасида юк ташиш йўналиши очилади, парвозлар ҳафтасига 3 марта амалга оширилади. Шунингдек, яқин вақтда "Навоий" аэропорти билан Хитойнинг йирик саноат марказлари — Шанхай ва Гуанчжоу шаҳарлари ўртасида мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилади, Урумчи — Тошкент йўловчи авиарейси очилади. Томонлар, шунингдек, Марказий Осиёдан Хитойга газ етказиб бериш қувватларини ошириш бўйича ҳам келишувга эришдилар.

Давоми 2-бетда ➤

Тошкентнинг янги аквапарки

Тошкент аҳолиси ва меҳмонлари Юнусобод туманидаги Чинобод кўчасида очилган "Aqualand" Ўзбекистон — Хитой аквапаркида дам олиши учун барча шароитлар яратилган.

Бу ердаги тўртта чўмилиш ҳавзасидан бири ҳақиқий денгиз тўлқинларини эслатиб туради. Қувноқ баландликлар ва "шарко" души, миллий ва Европа таомлари, чанқовбосди ичимликлар ва музқаймоқ сотиладиган кафелар ҳамда кўплаб атракционлар дам олувчиларга унутилмас онларни ҳадя этади.

Шундай қилиб, Тошкентда фаолият кўрсатаётган аквапарклар сони яна биттага кўпайди. Жазирама кунларда пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари бундай дилкушо боғларда маза қилиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Суратларда:
"Aqualand"да; "Шарко" души.

Р.ШАҒАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Депутатлар сайловчилар ҳузурида

Юзма-юз

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Сермазмун мулоқотлар, савол-жавоблар остида кечган ҳар битта учрашув мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда юртдошларимизда зарур фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилди.

Учрашувларда депутатлар томонидан Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлида қўлга киритган натижалари, қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури, Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифаларнинг амалдаги ижроси, фракция аъзоларининг таклиф ва ташаббуслари ҳақида сайловчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Давоми 2-бетда ➤

Депутатлик гуруҳларида

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу мақсадларга эришишда миллий иқтисодиётда тобора мавқеи мустаҳкамланиб бораётган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик алоҳида ўрин тутади. Ушбу фаолият турини янада кенгайтиришда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг кучга кириши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Оилавий тадбиркорлик имкониятлари

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жойлардаги ташкилотлари, маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлари томонидан ушбу қонун тарғиботига бағишланган қатор тадбирлар амалга оширилаяпти.

Жумладан, халқ депутатлари Андижон туман Кенгаши депутати Арофатхон Исманова ташаббуси билан тумандаги «Харабек» қишлоқ фуқаролар йиғинида «Оилавий тадбиркорлик — имкониятлар ва ислоҳотлар» мавзуида тарғибот-ташвиқот тадбири ташкил этилди.

Давоми 4-бетда ➤

Инновацион иқтисодиёт —

тараққиётнинг муқобилсиз стратегияси

«Навоий» эркин иқтисодий-индустриал зонасида ҳам, «Ангрен» махсус индустриал зонасида ҳам юқори технологиялар асосида жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу эса инновацион иқтисодиёт томон ташланган яна бир қадамдир. Зеро, жаҳон амалиётининг кўрсатишича, юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши — занжирли реакциянинг бошланиши каби — янгидан-янги инновацион корхоналарнинг ишга тушишига олиб келади.

5-бет

Раҳбарлик имтиёз эмас, масъулият

Баъзи раҳбарлар янги лавозим курсисига ўтиришгач, фаолиятларини республика раҳбарияти талаби даражасида бошлашади, куюнчаклик қилишади, югуриб-елишади, вилоятда ёки шаҳарда янги ташаббуслар, самарали ҳаракатлар бошланади. Маълум вақтгача камтар-камсуқум ҳаёт кечиришади, манманлик, такаббурлик кўчасига киришмайди. Аммо орадан бир-икки йил ўтгач, аҳвол аста-секин ўзгара бошлайди.

6-бет

Сиёсат

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

Давоми. Боши 1-бетда

Эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, Хитойдаги етакчи компанияларнинг Ўзбекистонда Юксак технологиялар саноат паркини ташкил этишдаги иштироки масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишлари, авваламбор сармоявий, савдо-иқтисодий ҳамкорликни тубдан кенгайтириш бўйича Ўзбекистон — Хитой мулоқотини янги босқичга кўтариш йўлида муҳим амалий қадам қўйилди.

Имзоланган ҳужжатлар углеводород хомашёсини қазиб олиш, транспортировка қилиш ва қайта ишлаш, жаҳон бозорида талаб катта бўлган янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларида янги, кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутади. Шунингдек, электроника ва электротехника, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика ва замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби юқори технологияли соҳаларда қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш назарда тутилган.

Томонлар ўзаро савдо ҳажмини оширишдан манфаатдор эканликларини яна бир бор таъкидладилар. Хитойга узоқ муддатли асосда пахта, уран, табиий газ, рангли ва нодир металлар каби стратегик муҳим материалларни етказиб бериш юзасидан келишувларга эришилди.

Томонлар маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш ҳар икки халқ манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар. Илм-фан ва таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, туризм ҳамда бошқа қатор йўналишларни қамраб олган 2010-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётгани бу жараёнда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташриф доирасида ХХР олий сиёсий раҳбарияти вакиллари — ХХР Раиси ўринбосари Си Цзиньпин, Давлат кенгаши Раиси ўринбосари Ли Кэцан билан ҳам музокаралар ўтказди. Мазкур учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги кенг кўламли алоқаларнинг стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилиши шароитидаги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, икки томонлама муносабатлар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Ислом Каримов ўтказилган учрашув ва музокаралар якунида анъанавий меҳмондўстлик ва хитойлик ҳамкорларнинг икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга ғоят очиқлик билан ёндашгани учун миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбари "Стратегик ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация замон талаби бўлиб, икки томонлама алоқаларнинг даражаси ва миқёсини тўла акс эттиради, муносабатларни узоқ муддатли истиқболда янада кенгайтириш учун кучли рағбатлантирувчи ва амалий омил бўлиб хизмат қилади", деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига ташрифи чоғида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлисида иштирок этди.

Саммитда минтақадаги ва умуман жаҳондаги бугунги вазият, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар, шунингдек, ШҲТни янада ривожлантиришнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

ШҲТ фаолияти минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, ШҲТга аъзо давлатларнинг ҳамжиҳатлигини янада чуқурлаштиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ташкилот фаолиятига берилган баҳо ва унга аъзо давлатларнинг амалий ҳамкорлик шаклларини янада такомиллаштириш борасидаги ёндашувлари ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Узоқ муддатли тинчлик қарор топган ва биргаликда ривожланадиган минтақани барпо этиш тўғрисидаги декларациясида ўз ифодасини топган. Унда, шунингдек, ШҲТга аъзо давлатларнинг янги, адолатли ва демократик, кўп қутбли дунё шаклланиши шароитида давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масалаларига умумий ёндашувлари, уларнинг жаҳонда тинчлик ҳукмрон яхлит макон ташкил этишга бўлган интилишлари, ўз мамлакатларидаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб, инновацион ва барқарор тараққиёт йўлидан боришга тайёрлиги, умумий тараққиётга ўз мамлакатини ривожлантириш орқали кўмаклашиши, шунингдек, бунинг учун халқаро ҳамкорлик соҳасида аниқ чора-тадбирлар кўриш масалалари белгиланган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари тасдиқланди. Таъкидландики, ШҲТ минтақавий ҳамкорликнинг институционал асоси йўлга қўйилган, барқарор иш олиб бораётган тузилмавий органларга эга бўлган, очиқлик ва ҳамжиҳатлик асосида фаолият юритаётган ташкилот бўлиб, умумий равнақ ва фаровонлик йўлида аъзо давлатлар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Давлат раҳбарлари ШҲТнинг минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таҳдид остида қолдирувчи вазиятларда сиёсий-дипломатик чора-тадбирлар кўриш ва муносабат билдиришга оид низомнинг янги таҳririни, ШҲТга аъзо давлатларнинг 2013-2015 йилларга мўлжалланган терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича ҳамкорлик дастурини тасдиқладилар. Мазкур ҳужжатлар Ташкилотга аъзо давлатларнинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини кенгайтиради.

ШҲТ Тараққиёт жамғармаси (Махсус ҳисоб) ва ШҲТ Тараққиёт банкини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш юзасидан амалга оширилган ишлар ижобий баҳоланди.

Давлат раҳбарлари Афғонистон Ислом Республикасига ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи, Туркия Республикасига ШҲТ мулоқоти бўйича шерик мақомини бериш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон ШҲТга Хитой Халқ Республикаси раислик қилган, "Яхши қўшничилик ва дўстлик йили" шиори остида ўтган вақт мобайнидаги эришилган натижаларга юксак баҳо берди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳаларда ШҲТ олдида турган муҳим дастурий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилгани қайд этилди.

Хитой томони ХХРнинг ШҲТга раислиги даврида у Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланганини юқори баҳолади.

ШҲТ Хартиясига мувофиқ, Ташкилотга навбатдаги раислик Қирғизистон Республикасига ўтди. ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2013 йилда Қирғизистон Республикасида бўлади.

ЎзА

Депутатлар сайловчилар ҳузурида

***

39-Дўстлик сайлов округидан сайланган депутат Анвар Сулаймоновнинг Наманган вилояти Эндокринология шифохонаси, Наманган муҳандислик техника институтида, Наманган тумани "Ирвадон" ҚФЙда, Наманган шаҳар "Тўқувчи", «Навбаҳор», «Мустақиллик» МФЙдаги сайловчилар билан бўлиб ўтган мулоқотлари уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Айниқса, учрашувларда партия сайловолди дастурида илгари сурилган муқобил энергия манбалари (қуёш, шамол, биогаз) хусусидаги мулоқотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Депутат бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, ҳозирда қишлоқ жойларда муқобил энергия манбаларига асосланган ҳамда фуқароларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш борасида "Адолат" СДП томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

— Республикамизда қайта ишланган энергия манбаларидан фойдаланишни жорий этишнинг асосий омиллари, — деди А.Сулаймонов, — чекка худудларга энергия етказиб беришдаги муаммоларни бартараф этиш, фермер хўжаликларида энергиядан фойдаланиш даражасини ошириш, чуқур қудуқлар қазиш ва электр насослардан фойдаланиш орқали сув билан таъминлаш ишларини яхшилашдир. Муқобил энергия манбалари ва уларнинг янги турларини ўзлаштириш баробарида келажак авлод учун қайта ишланмайдиган заҳиралар (газ, нефть, кўмир)ни сақлаб қолиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувлар давомида муқобил энергия манбаларини ҳаётга янада кенг жорий этиш истиқболлари хусусида сўз борди. Сайловчилар бу борада ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини, истакларини билдиришди.

— Қуёш ва шамол энергияси афзаллиги уларнинг экологик жиҳатдан тозалигидир, — деди "Навбаҳор" маҳалласи фаоли Рустамжон Исматуллаев. — Ана шундай муқобил энергия ускуналарининг қишлоқ врачлик пунктларида ўрнатилиши айни муддао. Чунки улар узлуксиз равишда электр билан таъминлаш имкониятини беради. Бу эса беморларга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, электр энергиясида ишлайдиган тиббиёт ускуна ва жиҳозларидан исталган вақтда фойдалана олиш имконини беради. Шу боис тиббиёт пунктимизга ҳам муқобил энергия ускуналари ўрнатилса айни муддао бўларди.

Шунингдек, сайловчилар томонидан тоза ичимлик суви таъминоти ва коммунал хизматлар сифатини янада яхшилаш каби масалаларда мурожаатлар келиб тушди.

***

25-Варахша сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Зуҳра Ботированинг Ромитан туманидаги учрашувларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли халқимиз фаровонлигини оширишга замин яратилгани, бу жараёнда асосий эътибор инсон омили ва унинг ижтимоий-иқтисодий таъминланганлик даражасининг юқори бўлишига қаратилгани алоҳида эътироф этилди. Депутат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасининг мазмун-моҳияти хусусида кенг тушунча берди.

З.Ботирова, шунингдек, учрашувларида жойлардаги умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига ва мактабгача таълим муассасалар тарбияланувчиларига кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳолати ўрганди. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли муассаса ва ташкилотларга тавсия ва таклифлар берилди.

Депутатнинг худди шундай учрашувлари вилоятнинг Жондор туманида ҳам бўлиб ўтди.

***

112-Қарши сайлов округидан Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Собир Турсуновнинг Қарши шаҳрида ўтказган учрашувларида ҳам ўрта таълим мактаб ўқувчиларига ва мактабгача таълим муассасалар тарбияланувчиларига кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳолати ўрганилди. Қарши шаҳридаги 1-сонли гимназияда, Ёшлар маркази, Қашқадарё вилояти кардиология диспансерида ўтказилган ана шундай тадбирларда қайд этилдики, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда бу эзгу ишлар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури асосида янада юқори босқичга кўтарилмоқда.

— Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, ёшларни алоҳида муҳофазага олиш ва уларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг муҳим йўналишидир, — деди С.Турсунов. — Айниқса, бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда Президентимизнинг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган "2009-2013-йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Тадбирлар давомида бу борада учраган баъзи камчиликлар таҳлил қилинди. Хусусан, айрим ҳолларда тиббий кўрикларни ўз вақтида ўтказилмаслиги, аниқланган касалликларни вақтида бартараф этилмаслиги, таълим муассасаларига бириктирилган шифокорлар доимий иш жойларида бўлмаслик ҳолатлари учраб туриши аниқланди. Бу камчиликларни бартараф қилиш бўйича аниқ тавсиялар берилди.

***

21-Бухоро сайлов округидан сайланган Қодир Жўраев сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунчалар берди. Дастур доирасида ёш оилаларга берилаётган имтиёзлар, истеъмол кредитлари ва бошқа қулайликлар, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастур ижросидаги иштироки юзасидан маълумот берди.

Шунингдек, "Адолат" СДП сайловолди дастурида қайд этилган вазифаларни амалга оширишда партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси саъй-ҳаракатлари, хусусан, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг афзалликлари, бу манбалардан фойдаланиш бўйича янги инновацион ишланмалар ва технологияларни ҳаётга жорий этиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан ахборот берди.

Депутат учрашувлар давомида фуқаролар қабулини уюштирди. Сайловчилардан тушган мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, шикоятларни келтириб чиқарган сабаблар тегишли идоралар вакиллари иштирокида таҳлил этилди. Йўл қўйилаётган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

***

58-Пастдарғом сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Худоёр Маматовнинг сайловчилар билан мулоқотларида ҳам ана шундай ёндашув ва муносабатлар ҳақида сўз борди.

— Жамиятни либераллаштириш, эркин бозор муносабатларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини диверсификациялаш ҳамда молия-банк солиқ соҳасида узоқни ўйлаб олиб борилаётган изчил сиёсат туфайли мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичларига кўтарилмоқда, — деб таъкидлади депутат. — Иқтисодиётни ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари дунёнинг нуфузли молия муассасалари томонидан юксак баҳога сазовор бўла олди. Эндиги вазифа Президентимизнинг демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида таъкидланганидек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишдан иборат. Бу ислоҳотларнинг бош стратегик вазифаси. Мақсад — рақобатдош иқтисодиётни шакллантириш орқали рақобатдош мамлакат барпо этиш!

Иқтисодиётдаги юксалишлар бевосита фуқароларнинг ҳаётий манфаатларига, оилаларнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим. Шу боис депутат Мустаҳкам оила йили муносабати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар аҳамиятига сайловчилар эътиборини қаратди. Хусусан, Пастдарғом туманида оилавий бизнесни, касаначиликни ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтириш ҳақида фикр юритди ва бу борада юзага келаётган айрим муаммоларни биргаликда ҳал этиш зарурлиги хусусида тўхталди.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги қирраларини забт этаётган экан, фуқароларимизда қўлга киритилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, фаровонлигимизни, тинч-осуда ҳаётимизни қадрлашга бўлган муносабатларни, изланиш, интилишларни янада кучайтириш талаб этилмоқда. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда депутат давлатимиз раҳбарининг Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига қайтарган жавобларини яна бир карра эслатиб, учрашув иштирокчилари эътиборини жиддий масалага — танлаган йўлимиздан янада илгарилаб боришимизга халақит бериши, тўсқинлик қилиши мумкин бўлган, бир қарашда илғаб бўлмас таҳдидлар борлигига қаратди. Хусусан, айрим давлатлар доирасида тарихни қайта ёзишга, миллатни «олий ирқ»қа ёки «оқсуяк»ларга ажратишга бўлган интилишлар кўзга ташланмоқда. Бу эса сира кечирилмас ҳол эканлиги ва миллатлар тақдири учун оғир оқибатларни олиб келиши мумкинлиги тарих сабоқларидан яхши маълум.

Президентимиз таъкидлаганларидек, биз ўз кучи ва келажагига ишонган бағрикенг халқмиз. Аммо бундай халққа ҳар хил майда-йирик ташланишлар бўлиб туриши, табиий. Шу боис ён-атрофимиздаги, дунёдаги вазиятни теран таҳлил этайлик ва зарур хулосалар чиқариб олайлик. Энг асосийси, бугун қандай мураккаб ва таҳликали замонда яшаётганимизни англашда ёшларга кўмак берайлик ҳамда мавжуд таҳдидлар ва носоғлом нуқтаи назарларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Депутат Худоёр Маматовнинг фойдали мулоқотларга асосланган учрашувлари Бешқаҳрамон, Чимбойобод, Анҳор, Санчиқул, Дўрмонтепа қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ва тумандаги бир қатор касб-ҳунар таълими коллежларида бўлиб ўтди ҳамда сайловчиларни қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарилди.

***

29-Жиззах сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутат Мавлуда Нишонованинг Жиззах шаҳридаги қатор маҳалла фуқаролар йиғинидаги учрашувлари амалий ишларга бой бўлди.

"Ҳамзаобод" маҳалласидаги ана шундай учрашувлардан бирида депутат номига маҳалла фуқароларидан маҳалладаги 8-мактабга яқин жойда алкоголь маҳсулотлари сотишга ихтисослашган дўкон нотўғри қурилганлиги ҳамда шу маҳаллада яшовчи 75 ёшли Ҳасан Ҳамроев тиббий ёрдам олишдаги имтиёзларидан фойдаланишдаги баъзи қийинчиликларга дуч келаётганлиги хусусида мурожаат қилинди.

Маҳалла фуқаролари мурожаатига мувофиқ мактаб яқинида қурилган дўкон вилоят архитектура бошқармаси мутахассислари томонидан қайта кўриб чиқилишига кўрсатма берилди. Шунингдек, Ҳасан Ҳамроевга имтиёзли бепул "Қариялар санаторияси"га йўлланма олиб берилди.

Бундан ташқари, тадбирларда шаҳардаги қатор мактабларнинг моддий-техник ва санитария-гигиеник ҳолати, мактабнинг соғлиқни сақлаш муассасаларидан бириктирилган педиатр-шифокорлар ва патронаж ҳамширалар билан таъминланганлиги ҳолати, мактабда тиббий хоналарнинг ташкил этилганлиги, уларнинг асбоб-ускуналар билан таъминланганлик даражаси, мактаб ўқувчилари орасида юқумли касалликлар билан касалланишнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган тадбирлар, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида мактабларда спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун жисмоний тарбия гуруҳлари ва спорт тўгаракларининг ташкил этилганлиги ва уларнинг фаолияти ўрганилди.

Айтиш жоизки, фракция аъзолари учрашувлардан қайтгач, сайловчилар томонидан билдирилган таклифларни умумлаштириб, депутат сўрови сифатида тегишли органларга жўнатиш ва айримларини тегишли ташкилотлар мутасаддилари иштирокида парламентда муҳокама қилишга келишиб олдилар.

Фарҳод ЭСОНОВ тайёрлади

Муқобил энергетика соҳасида

мутахассис кадрларга эҳтиёж кўпаймоқда

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ва «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида Қибрай Энергетика касб-ҳунар коллежида «Қайта тикланадиган энергия манбаидан фойдаланиш ва ўқув лабораторияси ташкил этилиши»га бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, «Ўзбекэнерго» ДАК вакиллари, партия фаоллари, коллеж ўқитувчи-педагоглари ҳамда ўқувчи ёшлар иштирок этишди.



Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров бугунги кунда муқобил энергия манбаларининг аҳамияти ва зарурати тобора ортиб бораётганлиги ҳамда соҳани қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш борасида «Адолат» партияси ва депутатлари томонидан олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар хусусида атрофлича сўз юритди. Шунингдек, истиқболли саналган мазкур соҳани мутахассис кадрлар билан таъминлаш ҳам партиянинг эътибор марказидаги масала эканлигини таъкидлаб, коллеж ўқувчиларига энергетика соҳасига татбиқ этилаётган замонавий технологияларни яхши ўрганиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги билимларни пухта ўзлаштиришлари лозимлигини қайд этди ва бу борада зарур тавсиялар берди.

Таъкидлаш жоизки, Қибрай Энергетика касб-ҳунар коллежи республикамиз ҳудудларидаги барча энергетика корхоналари учун ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар етказиб берувчи таълим муассасаларидан бири саналади. 470 йигит-қиз таҳсил олаётган коллежни бу йил 155 нафар ўқувчи тамомламоқда. Битирувчилар билан энергетика корхоналари ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланган бўлиб, уларнинг иш жойлари тайин.

Тадбир доирасида бевосита «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан коллеж ҳовлисига ўрнатилган Қуёш коллектори ва шамол генератори ҳамда бевосита мазкур қурилмалар ёрдамида ишлайдиган ўқув лаборатория хонасининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Тақдимот маросимида Тошкент вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманидаги Кучлик маҳалласида ишга туширилиб, эндиликда кенг оммалаштирилаётган чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш қурилмасининг макети коллежнинг муқобил энергетика лаборатория хонасига совға қилинди.

— Тошкент вилоятида муқобил энергия манбаларининг барча турларини жорий қилиш ва ривожлантириш имконияти юқори саналади, — деди вилоят партия Кенгаши раиси К.Шодиметов. — Партиямизнинг кўмаги билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси, «Ихлос Бизнес Барака» корхонаси ва «Олмалиқ металл конструкция» МЧЖ билан ҳамкорликда чиқиндидан биогаз ва биоўғит олиш қурилмаси ускуналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессиясида депутатларимиз томонидан кўтарилган «Муқобил энергиядан фойдаланиш йўли билан атроф-муҳитни ортиқча ифлосланишдан муҳофаза қилиш»га қаратилган масала маъқулланди. Эндиликда ушбу инновацион лойиҳа вилоятимизнинг барча туманларида кенг жорий этиладиган бўлди. Демак, ушбу йўналишни ривожлантириш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратилади ва соҳа учун мутахассис кадрлар лозим бўлади. Ўйлайманки, Энергетика коллежини битираётган ёшлар орасидан мазкур йўналишда фаолият кўрсатишни хоҳлайдиган ва соҳа ривожига муносиб ҳисса қўша оладиган мутахассис кадрлар етишиб чиқади.

Коллежимизга ташриф буюрган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва энергетика соҳаси мутахассисларининг юртимизда бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ҳамда соҳанинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусидаги маърузалари бизда катта таассурот қолдирди, — деди коллеж ўқувчиси Шоҳжаҳон Наримбоев. — Коллежимиз учун тақдим этилган қуёш ва шамол энергетик қурилмаси ҳамда чиқиндидан энергия олиш қурилмасининг лаборатория макети, айниқса, бизни хурсанд қилди. Ушбу қурилмалар бизнинг муқобил энергетика соҳасида оладиган билимларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўз навбатида, биз ҳам энергетиканинг истиқболли йўналиши бўлган мазкур соҳани пухта ўзлаштирибгина қолмай, ўзимиз ҳам янгидан-янги ғоялар ва лойиҳаларни илгари суришга ҳаракат қиламиз.

Тадбир сўнггида иштирокчилар коллежда ўқувчиларнинг таълим олишлари учун яратилган шароитлар ҳамда лабораторияда олиб бориладиган ўқув амалиёт жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Партия иши фидойилик ва фаолликни талаб этади

дея таъкидланди Сурхондарё вилояти партия Кенгашида ташкил этилган ўқув-семинарда

Сиёсий ўқиш

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган муҳим устувор йўналишлар сиёсий партиялар олдига янада масъулиятли вазифаларни қўйди. Бу вазифаларнинг самарали ижроси эса партиянинг ҳар бир фаолидан юксак билим ва салоҳият талаб этади. Буни чуқур англаган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши жойларда ҳудудий ўқув-семинарларини ташкил этиб келмоқда. Энг муҳими, бундай ўқувларда партия фаоллари ва депутатлик гуруҳларининг партиявий-сиёсий фаолияти танқидий нуқтаи назардан таҳлил этилмоқда. Сурхондарё вилояти партия Кенгашида ташкил этилган навбатдаги семинар ҳам шундай руҳда ўтди.

«Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларида партия Кенгашларининг депутатлик гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорлиги» (Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши мисолида) мавзуидаги ушбу ўқув-семинарда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ва партиянинг қуйи палатадаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят партия Кенгашлари раислари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти минтақавий бўлими вакиллари, вилоят ҳокимлиги, Адлия бошқармаси мутахассислари, партия фаоллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров "Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг фаоллигини ошириш — демократик ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим шарти" мавзуидаги маърузасида фуқароларнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти ошиб бораётгани, уларнинг сиёсий жараёнларга ва олиб борилаётган ислоҳотларга нисбатан муносабати тубдан ўзгарган бир даврда партия фаоллари ва депутатлик корпуси фаолиятини янги босқичга кўтариш давр талаби бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Сайловчилар маҳаллий депутатлик гуруҳлари томонидан олиб борилаётган тадбирлар билан қизиқиб, улар фаолияти, жойларда партия электоратини ўйлантираётган мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кўтариб чиқиш қобилиятларини танқидий таҳлил қилиб бормоқда. Бундай шароитда партия раҳбариятининг депутатлик корпуси билан ўзаро ҳамкорлиги, ташаббускорлик намуналарини кўрсата билиши долзарб аҳамият касб этади.

— Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари фаолияти ҳам тубдан ўзгарди, — деди нотиқ. — Қабул қилинаётган қонунларнинг янада мукаммал бўлаётгани бунинг тасдиғидир. Бу эса ўтказилаётган демократик ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсири ошаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, бугун замоннинг ўзи сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари фаолиятини янада такомиллаштиришни, бор куч ва имкониятларни олижаноб ғоя — Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида сафарбар этишни энг муҳим ва долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Муҳокамада сўз олганлар халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидан партия депутатлик гуруҳларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишдаги иштирокини кучайтириш, партия дастури ва электорат манфаатларига мос долзарб масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишдаги ташаббускорлиги, партия кадрлари малакасини ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Семинарда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳудудий партия ташкилотлари билан депутатлар ҳамкорлиги борасида ҳам фикр-мулоҳазалар юритилди. Шунингдек, жойларда инновацион технологияларни тарғиб қилиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, ёшларни тадбиркорлик соҳасига янада кенг жалб этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, хусусий секторга имтиёзли кредитлар ажратиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати маслаҳатчиси Т.Шамсибоевнинг "Ўзбекистон "Адолат" СДП маҳаллий Кенгашларининг депутатлик корпуси фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида" мавзуидаги маърузаси қизғин баҳса сабаб бўлди. Семинар иштирокчилари ўзларини фикр-мулоҳазаларини очиқ баён этишди, таклифлар ўртага ташланди.

— Фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда, аҳолининг хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалашда, давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва жамоатчилик назоратини ўрнатишда партиялар муҳим таъсир кучига эга, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари А.Артиқов. — Очиғини айтиш керак, бугун айрим депутатларимизнинг маҳаллий Кенгаш сессияларига дадил таклиф ва долзарб масалаларни кўтариб чиқишларида фаоллик сезилмаяпти. Уларнинг бу жараёндаги фаоллигини оширишда, аввало, соғлом рақобатни шакллантиришимиз керак.

— Партия иши фидойилик ва фаолликни талаб этади, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Термиз шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, Термиз шаҳар депутатлик гуруҳи раҳбари Б. Ашуров. — Партия дастурий вазифалари ижросини таъминлашда, энг аввало, депутатлар ва партия ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш керак.

Қизғин мулоқотлар чоғида сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ўзига хос тажрибасини, хусусан, халқаро андозаларга мос муҳим ҳуқуқий асос яратилгани, сиёсий партиялар фаолияти учун кенг майдон барпо этилгани, уларнинг жамиятдаги ўрни, нуфузи ва мавқеини, ваколатларини янада кенгайтиришда янги имкониятлар пайдо бўлаётганини эътироф этишди. Энди гап миллий қонунчилик билан тақдим этилган ваколатлардан, имкониятлардан унумли фойдаланишда қолган.

Семинар сўнггида партиянинг бир гуруҳ фаолларига Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг фахрий ёрлиқ ва дипломлари топширилди. Анъанага кўра, навбатдаги ўқув-семинар Самарқанд вилоятида ўтказилишига келишиб олинди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сурхондарё вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Оила қуришнинг қонуний ва ҳаётий асослари

Дастур ижроси йўлида

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Хотин-қизлар Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида бўлиб ўтган тадбир шу мавзуга бағишланди. Мустаҳкам оила йили муносабати билан ташкил этилган тадбирда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, туман партия кенгашлари раислари, фаоллар, институт профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, соғлиқни сақлаш ходимлари иштирок этди.

Тадбирда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, бугунги кунда юртимизда ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом фарзандлар дунёга келишини таъминлашга қаратилаётган улкан эътибор хусусида сўз юритилди. Шунингдек, оиланинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида партиянинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда маънавий муҳитни соғломлаштиришда жамоатчилик иштирокини кучайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

— Мамлакатимизда оиланинг жамиятда тутган ўрнини янада ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом оиланинг барпо этилиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия фракцияси аъзоси Абдукамол Раҳмонов. — Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, жамиятнинг кичик бўғини бўлган оила инсоннинг дастлабки соф, покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурларини шакллантирадиган табаррук маскандир. Оиланинг мустаҳкам бўлишида ёшларга оила қуриш нақадар масъулиятли эканини англатиш, соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидландики, юртимизда эрта никоҳнинг олдини олиш, никоҳ масаласида ёшларнинг белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, никоҳ масъулияти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги тўғрисида йўл-йўриқ беришни самарали ташкил қилиш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлар, энг аввало, оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган.

Тадбирда талаба-ёшларнинг соғлом оила асослари ҳақидаги тушунчасини янада бойитиш, ёшларга оила қонунчилиги асослари, соғлом турмуш тарзи, фарзандлар тарбиясига оид билимларни ошириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, шунингдек, уларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббусларни қўлайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан атрофлича жавоб олдилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати

Нуқтаи назар

Оилавий тадбиркорлик имкониятлари

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон тумани кенгаши фаоллари, туман ҳокимлиги, банк мутасаддилари, кенг жамоатчилик иштирокидаги мазкур тадбирда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мақсади ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлиги тўғрисида сўз юритилди.

— Юртимизда оилавий бизнес оила даромадларини кўпайтириш, кўп асрлик халқ ҳунармандчилиги анъаналарини давом эттиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади, — деди А.Исманова. — Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланганидек, оилавий бизнесга оид қонунчилик базасининг шакллантирилиши ва ҳуқуқий кафолатларнинг кучайтирилиши янги иш ўринларини ташкил этишда қулай шарт-шароитлар яратади. Айнан мазкур Концепция талабларини бажариш мақсадида қабул қилинган ушбу қонун мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим омили сифатида оилавий бизнесни йўлга қўйиш ва уни ривожлантиришга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди.

Тадбирда таъкидландики, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда оилавий бизнесни юритишда тарихий тажриба билан бир қаторда оилавий корхоналар иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, меҳнат муносабатлари ва улар ўртасидаги даромадларни тақсимлаш, бундай корхоналарнинг мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларни солиққа тортишнинг соддалаштирилган механизмини яратиш каби масалалар эътиборга олинганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

— Бугунги тадбир орқали фуқароларимиз қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида яна бир бор тўлиқ тушунчага эга бўлишди, — деди «Харабек» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдуҳолиқ Усмонов. — Тадбиркорликка қизиқиши, лаёқати ва етарли маблағи бўла туриб ўз ишини бошлашга иккиланиб турганлар ўз бизнесларини бошлашга қарор қилмоқда. Бугуннинг ўзида ўнлаб фуқаролар оилавий корхона ташкил этишга бел боғлаганлиги қувонарли, албатта.

Қарийб ўттиз йилдан буён ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келаётган Абдужалил Ҳамроқулов «Харабек» қишлоғида депутат Арофатхон Исмановнинг кўмаги билан оилавий устахона очган эди. Моҳир уста ўғиллари ва шогирдлари билан тайёрлаётган маҳсулотлар доимо харидоргир.



— Қишлоқдаги ҳар бир хонадонда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларга эҳтиёж бор, — деди Абдужалил ака. — Отаболаларим касбини давом эттириб, кам бўлмаяпмиз. Одамларнинг ҳожатини чиқариб, шу иш орқасидан ўзимизнинг рўзғор ҳам тўкин бўлмоқда. Муҳими, оиламизда ҳамма доимий иш билан банд.

Наргизахон Мирзаолимова моҳир тикувчи. Анчадан буён оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиш ниятида эди. Бугунги тадбир унга қанот бағишлади.

— Бошланғич сармояга эҳтиёжим бор эди, — деди Наргизахон. — Депутатимиз Арофатхон Исмановадан имтиёзли кредит олишим учун амалий кўмак сўраганимда бугунги тадбирга иштирок этишимни айтган эди. Тадбир давомида банк мутасаддилари менга имтиёзли кредит ажратишларини эшитиб хурсанд бўлдим. Ўз касаначилигимни бошласам, 4-5 та янги иш ўрни очилади.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб олишди. Оилавий тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқароларга керакли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби юзасидан фойдали маслаҳатлар берилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Концепция: устувор вазифалар

Истиқлол туфайли халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, мустақиллик бу, аввало, ҳуқуқдир.

Ҳуқуқий маданият асоси

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, аҳолини, айниқса, ёшларни бой маданий меросимиз, миллий ва тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, демократия ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир. Бу жараёнда ҳуқуқий маданият алоҳида ўрин тутади. Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир.

Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик ривожи ва ҳуқуқий тизим етуклигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. У ижтимоий ҳаёт жараёнларига фаол таъсир кўрсатувчи, фуқаролар жипслашувига кўмаклашувчи, юрт барқарорлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи қадриятдир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мазкур мавзуга алоҳида тўхталиб ўтилганидек, "Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда".

Мамлакатимизда шаклланаётган ҳуқуқий маданиятга қуйидаги хусусиятлар хосдир:

— қонун устуворлиги, қонунга итоаткорлик ва қонунийлик принципларига риоя этилиши;

— демократик қадриятларнинг ҳуқуқий воқеликка сингиб бораётганлиги;

— жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар орқали кенг халқ оммасининг ҳуқуқ нормаларини яратиш ҳамда амалга ошириш жараёнларига жалб этилиши;

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ғоя ҳамда қадриятларни қонуний мустаҳкамлаш тенденциясининг қарор топиб бораётганлиги;

— давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллиги эътироф этилиб, амалиётга кириб бораётганлиги.

Биз интилаётган фуқаролик жамияти юксак маънавий заминга, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигига, чинакам ҳуқуқий маданиятга таянади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий алоқалар, шу жумладан, ҳуқуқий муносабатлар ниҳоятда адолатли бўлмоғи, ҳалоллик, поклик, инсоф, иймон ва виждон асосида қурилмоғи лозим. Бундай жамиятда умуминсоний қадриятлар, инсон ҳуқуқлари эъзозланади, мўътабар ва муқаддас саналади; инсоннинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари хурмат топади; адолат ва инсонпарварлик, савоб излаш ва саховатпешалик каби олий қадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади. Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданияти демократик ва адолатли қонунлар тизими мавжудлигига, ҳуқуқ ва қонун устуворлигига, барчанинг ҳуқуқий тенглигига, ижтимоий адолат тантанасига ва инсон шахси улуғворлигига таянади.

Албатта, ҳуқуқий маданият шаклланишида жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган фуқаролик институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида таъкидлаб ўтилганидек, "Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил"дир.

Э. ШЕРНИЯЗОВА,
Гурлан тумани 1-сон давлат
нотариал идораси нотариуси

Эплаган иш, эпламаган гап топар экан-да...

ёки ХДПнинг Жомбой туман Кенгашида депутатлар ҳисоботини эшитиши улар фаолиятини жонлантиришга, электорат ишончини оқлашга хизмат қиляптими?

Партиялараро рақобат

Халқ демократик партияси туман Кенгаши раиси Эшпўлат Тўйчибоев партия Кенгашида депутатлар ҳисоботини эшитиш мунтазам йўлга қўйилган деб таъкидлайди. Бу ижобий ҳолат, албатта. Бироқ ҳар сафарги ҳисоботлар депутатлар фаолиятидаги камчиликларни аниқлаб, янги мақсадларни рўёбга чиқаришга, электорат ишончини оқлашга хизмат қиляптими?

Даставвал, шундай маълумотни келтириш ўринли. ХДП маҳаллий Кенгашда энг кўп, аниқроғи 11 та депутатлик ўрнига эга. Доимий комиссияларнинг кўпчилигида ҳам ХДП депутатлари раҳбар. Хусусан, Эшпўлат Тўйчибоев Аграр, сув хўжалиги ва атроф-муҳит муҳофазаси доимий комиссиясини бошқаради. Аммо эгалланган мавқе амалий ишларга мос келаяптими, ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг ижросини таъминлашда депутатлик назорати кутилган натижаларни бераяптими, деган саволларга жавоб беришда эса аҳвол бошқача эканлиги сезилиб қолаяпти.

Эътибор беринг: депутатлик назоратининг самарали усулларидан ҳисобланган депутатлик сўровлари киритиш масаласида ХДПнинг 11 нафар депутати 2011 йилда атиги 3 марта ўз ваколатларини ишга солишга имкон топишган. 2012 йилнинг 5 ойи мобайнида эса бор-йўғи 2 та депутатлик сўрови қайд этилган. Нега? Туманда депутатлар иштирокида ва улар ваколати доирасида ҳал этилиши лозим бўлган мурожаатлар озми?

Партия Кенгаши раиси фуқаролар мурожаатларининг аксарият қисми жамоатчилик қабулхонаси орқали ўрганилиб жойида ҳал этилаётганлигини таъкидлайди. Бироқ зарур маълумотни сўраганимизда мурожаатлар оғзаки тартибда эшитилиб, натижаси фақат эгасига етказилишини уқтирмоқчи бўлади. Энди ўзингиз хулоса чиқаравeринг: жамоатчилик қабулхонаси ким учун ва нима мақсадда очиб қўйилган-у, унга кириб-чиқаётган фуқаролар ўз муаммоларини енгиллаштиришга қай даражада кўмак олишаяпти? Ахир қайси фуқаронинг қандай мурожаати қай тартибда ўрганиб чиқилган-у, натижаси нима билан тугаганлиги ҳақида, даставвал, жамоатчилик хабардор бўлиши, ҳисоботларда аниқ, муфассал белгилаб қўйилиши даркор эмасми?

Маҳаллий Кенгашга бўлиб ўтган сайловларда ХДП ўз дастурининг афзалликларини зўр бериб тарғиб қилди, зарур депутатлик ўрнига эга бўлди. Бироқ сайловлардан сўнг орадан икки ярим йилдан зиёд вақт ўтаётганлигига қарамай, ХДП депутатлари томонидан туман Кенгаши сессиясига бирорта масала олиб чиқилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?

— Шошилманг, фаолиятимизга эътироз билдиришдан андак тийилинг, — дейди туман партия Кенгаши раиси Эшпўлат Тўйчибоев. — Йил бошида бўлиб ўтган сессияда коммунал тўловларни ундириш масаласини сессия кун тартибига киритганмиз. Шундан сўнг аҳолининг электр ва табиий газ ҳақидан қарздорлиги кескин қисқарди.

Ана холос! Ижро ҳокимиятининг ўзи мунтазам шуғулланиб, назорат қилиб бораётган масалага шерик бўлиш ва натижаси ҳақида санамай саккиз дейиш мантиққа тўғри келармикан? Ахир туман Кенгаши сессияларининг протоколларида ХДП депутатларининг коммунал тўловларини тартибга солиш ҳақидаги таклифлари йилт этиб кўринмаган бўлса-ю, боз устига туманнинг 2012 йил 1 апрель ҳолатига кўра электр энергиясидан дебиторлик қарзи 8,1 миллиард сўмни, табиий газдан 2,9 миллиард сўмни ташкил этаётган бўлса, муаммога ечим топилди дейиш мумкинми?

Дарвоқе, туманда истиқболли вазифалар кўп. Шулардан сабзавотчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш, соҳага ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини тузиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш талаб этилмоқда. Шу мақсадда томчилатиб суғоришга асосланган интенсив боғлар яратиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бироқ бу борада ҳам жиддий муаммолар кўзга ташланмоқда.

— Ўзим «Тўйчи бобо» фермер хўжалигини бошқариб келаяпман, — дейди туман ХДП Кенгаши раиси Э.Тўйчибоев. — Салкам 300 гектар майдонда деҳқончилик қиламан. Шундан 14 гектари эски боғ. Шуни интенсив парваришга мослаштирилган янги боғларга айлантириш учун узоқ муддатли имтиёзли кредит олишимиз керак. Аммо «Агробанк»нинг вилоят ва туман бўлими раҳбарлари мен сингари 10 та фермер хўжалигининг кредит олиш ҳақидаги мурожаатини жавобсиз қолдириб келмоқда. Банк раҳбариятига депутатлик сўрови киритганим ҳам ҳозирча натижа бергани йўқ.

...депутатлик назоратининг самарали усулларидан ҳисобланган депутатлик сўровлари киритиш масаласида ХДПнинг 11 нафар депутати 2011 йилда атиги 3 марта ўз ваколатларини ишга солишга имкон топишган. 2012 йилнинг 5 ойи мобайнида эса бор-йўғи 2 та депутатлик сўрови қайд этилган. Нега? Туманда депутатлар иштирокида ва улар ваколати доирасида ҳал этилиши лозим бўлган мурожаатлар озми?

Ана сизга Аграр ва сув хўжалиги масалалари доимий комиссияси раисининг депутатлик ваколати ва эътирофи!

Бундан бир неча ой муқаддам ХДП вакиллари Самарқандда тижорат банклари иштирокида иқтисодий форум ўтказилгани ва қўплаб тадбиркор, фермерларга имтиёзли кредитлар сертификатларини қўш-қўллаб топширишганини зўр бериб таърифлашган эди. ХДПнинг жомбойлик депутати эса ўзга фермерларнинг талаби четда турсин, ўз хўжалигининг кредитга бўлган эҳтиёжини ҳал этишга илож тополмаётганлигини қандай тушуниш мумкин? Ёки ХДП ўтказган иқтисодий форумлар электорат ишончини бир марталик қозониш учунми?

Хулоса ўрнида депутатлик назорати самарадорлигини таъминлаш масаласига қайтсак. Туманда ижро ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбар кадрлари таркибида жиддий муаммолар сабаб зарур ўзгартиришлар қилишди. Ўз вазифасига нолойиқ кадрлар ишдан бўшатилди. Хусусан, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказига янги раҳбар тайинланди. Лекин маҳаллий Кенгашда кўпчилик ўринга эга бўлган ХДП депутатлари бошқарувда очиқликни таъминлаш, раҳбар кадрларнинг масъулиятини ошириш бўйича ҳам бирор марта ҳисобот талаб қилишмагани чатоқ. Туман Кенгашининг протоколларида бу борада ХДП депутатларининг ташаббуси умуман қайд этилмаган. Демак, ХДПга ташаббусдан кўра юзхотирлик зарур экан-да.

Ва, яна ачинарлиси, ташаббус қуйидан чиқмаётганлиги, электорат томонидан қўллаб-қувватланмаётганида. Партия Кенгаши раиси ХДП аъзоларининг сони туманда 2080 тани, бошланғич ташкилотлар эса 14 тани ташкил этишини таъкидлайди. Бироқ бугун аъзолик бадалларини тўлаётганлар 400 кишидан ошмас экан. Демак, аъзолик бадали тўлаётган ёки партия Кенгаши билан алоқани узган ХДП аъзоси ёхуд БПТ фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин? Шунинг учун ҳам ташаббус партиянинг қуйи бўғинда куртак ёзмаяпти, электоратга етиб бормаяпти.

ХДПнинг туман Кенгаши раҳбарлари, депутатлари сохта ҳисоботлар йиғиш билан шуғулланмай, фаолликни ошириш ҳақида ўйласалар истиқболли вазифаларни ҳал этишга имкон топишган, электоратнинг ишончини оқлаган бўлишарди.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги якунланди

Йўл ҳаракати ойлиги доирасида Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси инспекторлари томонидан 6110 км. йўл тадқиқ этилди. Натижада 2394 та шикастланган йўл белгиси алмаштирилиб, 879 та янги йўл белгиси ўрнатилди.

Шунингдек, кўчаларнинг қатнов қисмини, йўл ҳаракати ташкилоти ва транспорт инфратузилмасининг техник воситаларини тегишли ҳолатга келтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу маълумотлар Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ республикада 1 майдан 31 майга қадар ўтказилган йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги якунлари бўйича эълон қилинди.

Ой давомида махсус гуруҳлар томонидан жами 8128 та рейд амалга оширилди. Қоидабузарликларнинг катта қисми ҳайдовчилар томонидан амалга оширилган, аммо йўл ҳаракат қоидаларига беписанд қараган пиёдалар ҳам учраган. Улар томонидан 5226 та қоидабузарлик ҳолати қайд этилган.

Ойлик давомида ИИВ ЙҲХББ бўлинмалари томонидан йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини бартараф этишга йўналтирилган чоратадбирлар комплекси амалга оширилди. Бунда 25,5 мингдан зиёд учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари учрашув ва суҳбатларни ўқув муассасаларида, меҳнат жамоаларида ўтказишди, оммавий ахборот воситаларида тарғибот чиқишлари уюштирилди.

Рамз ВАЛИЕВ

Инновацион иқтисодиёт — тараққиётнинг муқобилсиз стратегияси

Депутат минбари

Жаҳон бозорида рақобат тобора авж олиб бораётган бир шароитда алоҳида минтақалар ёинки давлатлар иқтисодий тизими қандай ривожланишини олдиндан башорат қилиш тобора мушкуллашмоқда. Табиийки, бу жараёнда мамлакатлар тараққиёти барқарорлиги ҳамда фуқаролар фаровонлигини таъминлайдиган инновациянинг аҳамияти янада ортади. Шу сабабли ҳам жаҳоннинг кўплаб тараққий этган давлатлари инновацион иқтисодни ўзларининг асосий стратегик мақсадлари сифатида эътироф этганлар. Умуман олганда эса келажак – инновацион технологияларни эгаллаган, уни амалиётга татбиқ эта олган давлатники, деган тушунча давримизнинг аксиомасига айланди.

Зеро, айнан инновацион иқтисод мукаммал ташкил этилган ишлаб чиқариш ҳажми ошиши, янги иш ўринлари кўпайиши, ташқи савдо айланмаси ортиши, инвестициялар оқими кучайиши, маҳсулот сифати жаҳон стандартлари даражасига кўтарилиши, иш самарадорлигининг юксалиши учун хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб етарли илмий-техник потенциалга, юқори малакали мутахассислар ва олимларга, ривожланган илмий тадқиқот ва ишланмалар соҳасига эга бўлиб улгурган Ватанимизда мустақиллигимизнинг илк кунларидан инновацион иқтисодга алоҳида эътибор қаратиб келинди. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ пойтахтимизда мунтазам равишда Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ўтказиб келинмоқда. Бундай ярмаркаларда кўплаб янги ишланмалар намойиш қилинмоқда, уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан шартномалар имзоланмоқда.

Қувонарли томони шундаки, «Адолат» социал-демократик партияси даврнинг бундай талабларига «лаббай» дея жавоб бера оладиган сиёсий кучга айланиб бормоқда. Чунончи «Адолат» СДПнинг 2009 йил 5 ноябрдаги V Қурултойида қабул қилинган сайловолди дастурида инновацион иқтисодиёт партиянинг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида алоҳида қайд этиб ўтилган. «Партия Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Уни ривожлантириш мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Партия иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратади. Иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши даркор. Бу борада «Миллий инновация тизими»ни (МИТ) ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратамиз. Негаки, бу яқин истиқболда ғоялар, ихтироларни реал амалиётга тез татбиқ этиш қобилиятига асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш учун муҳим омилга айланади», дейилади сайловолди дастурида.

Дарҳақиқат, «Адолат» СДП кейинги йилларда юртимизда инновацион иқтисодиёт яратилиши борасида доимий ва изчил фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда" дея алоҳида таъкидланди. Жумладан, "Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида"ги янги қонунга эҳтиёж туғилганлигига эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Самарали саъй-ҳаракатларнинг оқибати ўлароқ, бугунги кунга келиб инновацион фаолият нафақат марказда, балки олис ҳудудларда ҳам ўзининг меваларини кўрсатмоқда. Хусусан, май ойининг охирида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган илмий тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртларида тайёрланган инновацион ишланмаларнинг ҳудудий кўргазмаси фикримизнинг далилидир. Кўргазмада Тошкент, Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-техника, биоорганик кимё институтлари ва бошқа бир қатор илмий-тадқиқот институтлари томонидан тақдим этилган 150 дан зиёд технологик лойиҳа ва ишланмалар намойиш этилди. Олимлар, тадқиқотчилар саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, информацион технологиялар, фан ва таълим соҳалари бўйича яратилган замонавий технологиялар, машина, препарат ҳамда материаллар ҳақида кўргазма иштирокчиларига атрофлича маълумот бердилар. Ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар ҳар бир ишланма билан яқиндан танишиб, уни амалиётда қўллаш юзасидан шартнома ва келишувларга эришдилар.

Бир вақтлар Архимед "Менга таянч нуқтасини беринг ва мен Ерни ўз ўқидан силжита оламан", дея хитоб қилганди. Бугун, орадан асрлар ўтиб, инновацион иқтисодда олий ўқув юртлари мўъжизалар ярата олишга қодир таянч нуқтаси вазифасини ўтамоқда. Бу эса иннновацион иқтисод моҳиятида инсон омили ётишини яна бир бор намойиш этади. Зеро, тараққиётнинг инновацион йўналиши ўз-ўзидан, ҳеч нима йўқ жойда пайдо бўлиб қолмаган. Бу илмий-ижодий жараённинг ўзига хос тарихи бор.

Одатда, инновация ва замонавий илмий-технологик ишланмаларнинг "бешиги" сифатида АҚШдаги Стэнфорд университети (Калифорния штати)тилга олинади. Мазкур университетда ўтган асрнинг эллигинчи йилларида ташкил этилган илмий парк кейинчалик "технопарк", "Силикон" ёки "Кремний водийси" деб атала бошланди. Ўз фаолиятини юқори технологиялар соҳасини ривожлантиришга қаратган университет қисқа фурсат ичида мисли кўрилмаган илмий ютуқларга эришди. Дунёнинг машҳур Hewlett Packard ва Polaroid фирмалари ибтидоси айнан шу технопаркда кечган. Саксонинчи йилларнинг охирларига келиб бундай муассасалар дунёнинг бошқа ривожланган давлатларида ҳам пайдо бўла бошлади. Бугунги кунга келиб бундай «силикон водийлари»нинг сони дунё бўйича 500 дан ошгани ҳолда, уларнинг 30 фоизга яқини АҚШда жойлашган.

Европада эса дастлабки технопарклар ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Эдинбургдаги Хэриот-Уатт университетида, Кембриждаги Тринити коллежида пайдо бўлди.

Албатта, тараққиётнинг юксак технологиялар соҳаси фақат океанорти ёки Европа давлатларинигина қамраб олиш билан чекланиб қолгани йўқ. Бугунги кунда Ҳиндистоннинг Бангалорида эришилган афсонавий инновацион ютуқлардан ҳаммамиз ҳам бохабармиз, албатта. Бангалорлик мутахассислар ишлаб чиқараётган юқори сифатли, рақобатбардош дастурий таъминот воситалари аллақачон жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллаб улгурган. Айрим ҳисоб-китобларга қараганда, Россиядай улкан мамлакат бир йилда нефть сотиб қанча миқдорда маблағ топса, кичкинагина Бангалор шаҳрининг юқори малакали мутахассислари ҳам ўз дастурий таъминотларини сотиб, йил давомида шунча даромад топарканлар. Энг камтарин тахминларга кўра ҳам гап камида ўттиз-қирқ миллиард доллар ҳақида кетмоқда...

Баайни Ҳиндистон каби, Ўзбекистон ҳам қадимий тараққиёт бешикларидан биридир. Буюк Ипак йўли айнан юртимиз ҳудудидан ўтганлиги ҳам бежиз эмас. Оққан дарё эса оқмай қолмайди.

Эътибор бергандирсиз, яқиндагина, аниқроғи жорий йилнинг 13 апрелида Президентимизнинг «Тошкент вилоятида «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. 2008 йили эса Навоий вилояти аэропорти ҳудудида «Навоий» эркин иқтисодий-индустриал зонаси ташкил этилганди.

Эътиборли томони шундаки, «Навоий» эркин иқтисодий-индустриал зонасида ҳам, «Ангрен» махсус индустриал зонасида ҳам юқори технологиялар асосида жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу эса инновацион иқтисодиёт томон ташланган яна бир қадамдир. Зеро, жаҳон амалиётининг кўрсатишича, юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши — занжирли реакциянинг бошланиши каби — янгидан-янги инновацион корхоналарнинг ишга тушишига олиб келади.

Демак, партиямизнинг сайловолди дастурида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бундан кейин ҳам Ватанимизда инновацион иқтисодиётнинг янада ривожланиши йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиш — бизнинг олдимизда турган долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Зумрад АКРАМХЎЖАЕВА,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

Бадал тушуми режаси нега бажарилмаяпти?

Ўз-ўзини танқид

Истиқлол йилларида юртимизда, бошқа соҳаларда бўлгани каби, сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Кўппартиявийлик ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган, замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган сайлов тизими ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда сиёсий тажриба орттириш, сиёсий камолотга етишиш, энг муҳими, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини мустаҳкамлаш — булар мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар босиб ўтаётган йўлдир. Бунда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтириш мақсадида қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ана шундай яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Сайловолди дастуридаги вазифаларни амалга ошириш орқали партия фаолиятини янада такомиллаштириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Партиянинг Фарғона вилояти Кенгаши фаолияти мисолида қарайдиган бўлсак, мазкур ташкилот партиявий ишларда катта тажриба тўплаётганига шоҳид бўламиз.

Айниқса, вилоят партия Кенгашининг ёшларга оид олиб бораётган ишлари эътиборга молик. Масалан, «Ёш адолатчилар» қаноти қошида ташкил этилган иқтидорли ёшлар клуби ёшларда инновацион фикрлаш шакллантирилишига, уларнинг инновацион лойиҳалари ва ишланмаларининг амалиётга татбиқ этилишига кўмак берилмоқда. Бу билан чекка ҳудудлардаги ўғил-қизлар иқтидорлари кашф қилинмоқда. Бундан ташқари, партия сайловолди дастури доирасида муқобил энергиядан фойдаланиш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари, уни оммалаштиришдаги амалий саъй-ҳаракатлари, хайрия тадбирлари ҳам эътиборга лойиқ.

Бугун вилоят партия Кенгашидаги 9,5 минг нафардан ортиқ аъзо 477 та БПТга бирлашган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 5 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 22 нафар депутатлар фаолият олиб бормоқда.

Бироқ ана шундай катта салоҳиятга эга вилоят партия Кенгаши фаолиятини камчиликлардан ҳоли деб бўлмайди. Тўғри, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Аммо уни ўз вақтида бартараф қилмаслик кейинчалик катта-катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Вилоят партия Кенгаши ўтган йилда аъзолик бадаллари тушумини 153,3 фоизга бажарганди. Жорий йилда ҳам режа ортиғи билан бажарилиши кутилаётган бир пайтда вилоят партия Кенгашининг баъзи ҳудудий ташкилотларида бу борада оқсоқлик сезилаяпти. Масалан, Сўх ҳамда Учқўприк туманлари кенгашларида аъзолик бадаллари режаси мунтазам бажарилмай келмоқда. Ҳолбуки партиянинг Қувасой, Фарғона, Қўқон шаҳарлари ҳамда Бешариқ, Бувайда, Риштон каби туман кенгашлари бу борада ибрат кўрсатиб, бадал тушуми режаларини ортиғи билан бажаришмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аъзолик бадаллари орқали партия иқтисоди мустаҳкамланади. Бу эса амалий тадбирларнинг кўпайишига хизмат қилади. Шундай экан, фаолиятида камчиликлар кузатилаётган ва юқорида номлари зикр этилган партия ташкилотлари раҳбарлари бу борадаги партиявий ишларда масъулият билан ёндашишлари талаб этилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Фарғона вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Бошланғич ташкилотларда

Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, халқимиз сиёсий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Хусусан, жамиятда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни нуфузи кучайди. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланишга уринаётган мавжуд сиёсий партиялар жойлардаги ташкилотлари орқали ўз дастурий мақсадлари, амалий тадбирлари билан аҳоли орасига кенгроқ кириб боришга интилмоқда.

Ташаббус ҳаммадан ҳам чиқиши мумкин

аммо уни амалга ошириш алоҳида жонбозлик талаб этади

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Сурхондарё вилояти Кенгаши фаоллари ҳам мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида алоҳида ташаббус ва ҳозиржавоблик кўрсатмоқдалар. Жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий ўзгаришлар, ислоҳотлар моҳиятини аҳолига етказиш, аҳолида бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётир. Вилоят партия Кенгашининг жойлардаги қуйи бўғин ташкилотлари ана шулардан келиб чиқиб амалий ишларни кучайтиришга, фуқаролар ўртасида ислоҳотлар самараси учун чуқур масъулият ва сафарбарликни қарор топтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу вилоят миқёсида ўтказилаётган турли тадбирларда, меҳнат жамоалари билан юзма-юз учрашувларда ҳам ўз ифодасини топаётир. Натижада «Адолат» СДПнинг дастурий ғояларини қўллаб-қувватлаётганлар, унинг сафига қўшилаётганлар кун сайин кўпаймоқда, партиянинг нуфузи эса воҳада ортиб бормоқда.

Ҳозир вилоятда партиянинг 5410 нафар аъзоси 150 та бошланғич ташкилотга бирлашиб фаолият юритмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз шаҳар кенгаши вилоят партия Кенгашининг энг етакчи партия ташкилотларидан саналади. Ташкилий-партиявий ишларни талаб даражасида ташкил этишда Термиз шаҳрида етарли тажриба тўпланган. Ҳозирги пайтда шаҳарда партия аъзолари 600 нафарни, бошланғич ташкилотлар сони эса 30 тани ташкил этмоқда. Айнан қуйи бўғинлар фаолиятини жонлантиришга бирламчи вазифа сифатида қаралмоқда.

— Ижтимоий-сиёсий ҳаётда партия ролини ошириш учун қуйи тузилмаларда ишга ёндашувни янгилаш асосий вазифа саналади, — дейди «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси Сулув Ҳамидова. — Зеро, айнан бошланғич ташкилотларгина партия электорати билан бевосита иш фаолиятида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолардан хабардор ва энг муҳими, уларни самарали ҳал этишда муҳим бўғин саналади.

«Мустаҳкам оила — жамият таянчи», «Одам савдоси — умумбашарий муаммо», «Ёшлар ОИТСга қарши» каби мавзуларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, Партия дастурий мақсадларининг тарғиботига қаратилган тадбирлар мунтазам ташкил этилиб келинмоқда.

Бошланғич ташкилотлар томонидан кўтарилаётган ҳар бир ташаббуслар аҳоли турмуш фаравонлигини яхшилашга қаратилмоқда. Хусусан, партиянинг «Гулистон» маҳалласидаги бошланғич ташкилоти фаоллари «Адолат» СДП Термиз шаҳар Кенгаши депутати Бекмурод Ашуровга маҳалла ҳудудида маҳалла гузарини барпо этиш таклифи билан чиқишди. Бу таклиф барчани бирдек фаолликка чорлади. Мутасадди ташкилотлар кўмагида маҳалла ҳудудидаги ташландиқ ердан жой ажратилди. Қурилиш ишлари бошланганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, яқин кунларда гузарнинг биринчи навбати ишга туширилиш арафасида турибди.

— Ташаббус ҳаммадан ҳам чиқиши мумкин, — дейди Б.Ашуров. — Аммо уни амалга ошириш учун алоҳида жонбозлик талаб этилади. «Гулистон» маҳалласидаги партиянинг бошланғич ташкилоти фаоллари ана шундай жонбозликни кўрсатишди. Озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси, компьютер клуби, пайнет ва бошқа қулайликларга эга ушбу маҳалла гузарида ўнга яқин янги иш ўринлари яратилади. Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз шаҳар кенгашига ҳам алоҳида хоналар ажратилади. Шунингдек, жамоатчилик қабулхонаси ҳам алоҳида хона билан таъминланади.

Халқ ишончи — юксак масъулият. Қаердаки, партиянинг у ёки бу масала ечимида одамларга нафи тегса, ўша жойда халқ, сайловчилар бу сиёсий кучга ишонади ва уни қўллаб-қувватлайди. Термиз шаҳрида партиянинг катта нуфуз ва юксак салоҳиятга эга эканлигини биргина қуйи бўғинлар кўтараётган ташаббусларда, уларнинг амалий ишларида кўриш мумкин.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Муносабат

Раҳбарлик имтиёз эмас, масъулият

Мавзуга қайтиб

Сиёсий фанлар доктори Фазлиддин Равшановнинг газетанинг ўтган сонида эълон қилинган "Раҳбар масъулияти — самарадорлик ва адолат мезони" сарлавҳали мақоласида жамият ҳаётининг турли бўғинлари раҳбарлари олдига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида эътиборга молик фикр-мулоҳаза юритилган. Ушбу мавзуни раҳбар маънавияти хусусида давом эттиришни лозим топдик.

Мақола муаллифи эътироф этганидек, бугунги раҳбар, у қайси соҳада фаолият юритмасин, назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам ўз лавозимига муносиб бўлиши, раҳбарликка доир ҳуқуқий меъёрлар, қонун-қоидаларни ва уларни амалиётда қўллаш механизмларини яхши билиши зарур. Бунга қўшимча, ундан раҳбар сифатида маданий, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ўз жамоасига ўрнак бўлиши, раҳбарлик фаолиятида сўз ва амал уйғунлигига эришиши талаб этилади. Ф. Равшановнинг раҳбар, шунингдек, меҳнат жамоасидаги турли вазиятларни тўғри баҳолай олиши, бундай ҳолатларда тадбиркорлик билан иш тутиши, ишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан сезиши ёки уларни ҳал этишда жамоа аъзоларига тўғри кўрсатма ва йўналишлар бериши, яъни бошқарувнинг илмий ва амалий асосларини чуқур эгаллаган бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрига ҳам қўшилиш мумкин. Бироқ раҳбарлик шундай мансабки, ёзилган ва эътироф этилган талаблар қанча кўп бўлмасин, ёзилмаган талаб ва қоидалар ҳам улардан кам эмас. Раҳбар, у бошқарувнинг қайси бўғинида ишламасин, буларнинг ҳар иккисига сўзсиз амал қилиши, бирини ҳисобга олиб, иккинчисини эътибордан соқит этмаслиги лозим.

Бугун жамиятимизда оиланинг маънавий жиҳатдан мустаҳкам бўлишига, оилада болалар тарбиясининг тўғри йўлга қўйилишига эришиш учун кўп ишлар қилинмоқда. Бу вазифанинг бажарилиши оила раҳбарлари, яъни ота-онанинг ўз "лавозим"ларига қандай муносабатда бўлишларига, жамият олдидаги масъулиятларини нечоғли идрок этишларига боғлиқ. Чунки уларнинг жамики хатти-ҳаракатлари фарзандлари, набиралари ва маҳалла аҳли кўз ўнгида кечади.

Ота-онанинг, демакки, оиланинг маҳалла олдидаги обрў-эътибори болалар тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Яъни, фарзанд ўз ота-онасининг эзгу ишларидан, маҳалла, меҳнат жамоасидаги нуфузидан фахрланиши мумкин ёки аксинча. Худди шундай, кичик ёки катталигидан қатъи назар, бирор корхона ёки муассасанинг раҳбари фаолияти, эгаллаб турган лавозимига муносиблиги, билим ва тажрибаси, тадбиркорлиги, жамоа ва унинг аъзолари тўғрисида ғамхўрлик қилиши ва бошқа қатор раҳбарий фазилатлари, жамоада, маҳаллада ва бошқа жойларда ўзини тутиши, бошқалардан талаб этаётган нарсаларга ўзининг амал қилиши ёки қилмаслиги ҳам жамоа аъзоларига кундай равшан бўлиб туради.

Баъзи раҳбарлар айни шу ҳолатга эътибор бермай, жиддий хатоликларга йўл қўйишади. Мен раҳбарман, жамоадан нимани талаб қилсам, менга мумкин, деган янглиш фикр уларни чалғитади. Йиғилишларда куюниб гапиришлари, жиддий танқидий мулоҳазалари кутилган натижани бермайди. Чунки кўплар бу куюнишларнинг шунчаки йиғилиш ҳужжатлари, қабул қилинадиган қарор учун айтилаётганини билиб туради. Раҳбар "бугундан бошлаб масъулиятни кескин оширишимиз, ижро интизомини кучайтиришимиз, иш вақтидан унумли фойдаланишимиз, иқтисодий кўрсаткичларни оширишимиз керак, бу талабларга риоя қилмаган ходимларга жиддий маъмурий жазо чоралари кўрилади..." дейди, аммо талаб талаблигича қолиб кетади. Бундай ҳолат бир-икки такрорланганидан кейин, интизомсизларга, ишга шунчаки келиб-кетадиган, бошқаларни ҳам орқага тортадиган танбал ходимларга нисбатан кўриладиган "чора"ларнинг ҳеч қандай таъсири бўлмайди.

Раҳбар жамоадаги ҳар бир ходимнинг ижобий ва салбий хислатларини яхши билиши ва шунга қараб иш тутиши зарур. Шундай ходимлар борки, улар раҳбариятдан топшириқ олсаларгина, енг шимариб ишга киришади, "хўжайин, мана, топшириғингизни бажариб қўйдик, хурсандмисиз" дея ҳисобот беришни хуш кўришади, бошқаси қачон ва қандай иш қилиш керак-лигини яхши билади, раҳбар топшириқ бермаса ҳам зиммасига юкланган ишни пухта бажариб юраверади. Яна бир тоифа ходимлар керак жойда ва керак пайтда ҳозиру нозир бўладилар, бошқалар бажараётган ишларга шерик бўлиш илинжида шундай қилишади. Амалда эса бирор юмушнинг масъулиятини зиммаларига олишмайди. Раҳбарнинг раҳбарлик маҳорати шундаки, у бу тоифа ходимларнинг ҳар бири билан индивидуал ишлай олиши, кимнинг кимлигини билган ҳолда иш тутиши, журъатли, ташаббускор ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб туриши лозим. Шахсий ташаббуси ёки ишбилармонлиги боис, бирор муаммонинг ҳал этилишига муносиб ҳисса қўшган, ишлаб чиқариш жараёнига бирор янгиликни жорий этган ходим, албатта, эътироф этилиши зарур.

Раҳбар жамоа аъзоларининг шахсий қобилияти, назарий билими, ҳаётий тажрибаси, характерига хос ижобий ва салбий жиҳатлари, фикрлаш даражаси, талаб ва эҳтиёжи, оилавий шароити ва, ҳатто соғлиғини ҳам ҳисобга олиши керак. Ундан энг оддий ходимлар билан ҳам самимий мулоқотда бўлиш, ўзаро муносабатларда такаббурлик қилмаслик, айниқса, ишга янги келган ёш ходимларни жиддий қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Бундай қилинганида меҳнат жамоасида ўзаро ишонч, ҳурмат-эътибор, меҳр-оқибат муҳити юзага келади. Бундай муҳит бор жойда, шубҳасиз, муваффақият ҳам бўлади.

Раҳбар учун зарур бўлган яна бир фазилат шуки, у меҳнат жамоасидаги маълум лавозим эгаларини эмас, оддий ходимларни ҳам эътибор билан тинглай билиши, танқидий мулоҳазаларини инобатга олиши, ҳар бир кишига жамоа ишлаб чиқариш ҳаётига доир ўз фикрларини эмин-эркин баён этишларига имкон бериши зарур. Баъзи жамоаларда ўз-ўзидан шаклланиб қолган номақбул бир "анъана" мавжуд. У ҳам бўлса, йиғилишларда фақат маълум одамларгина сўзга чиқади, улар қандай масала муҳокама этилаётганидан қатъи назар, деярли бир хилда фикрлашади. Тажриба шундан далолат берадики, кўп ҳолларда энг муҳим таклифлар, меҳнат унумдорлигига эришишнинг янги самарали усуллари оддий ходимлардан чиқади. Раҳбар уларнинг ҳар бирига эътибор бериши, "қўллаб-қувватлаймиз", "бажарамиз" қабилидаги умумий гаплардан нарига ўтмаётганларни эмас, асосли мулоҳаза юритаётганларни кўпроқ эшитиши керак.

Тасаввур қилайлик. Ишлаб чиқариш йиғилишида ёки бошқа бир муҳим тадбирда сўзга чиққан оддий ходимнинг танқидий мулоҳазалари диққат билан эшитилса ва инобатга олинса, бу ҳолат унинг меҳнат фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, ижтимоий фаоллик масъулияти ошади. Бордию бунинг акси бўлса, куюнганим билан бефойда эканда, дея бефарқликка берилади.

Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари вилоят кенгашларининг сессияларида сўзлаган нутқларида раҳбарнинг бурч ва масъулияти, ишчанлиги, билдирилган юксак ишончга муносиблиги, муомала маданияти, маънавий-ахлоқий фазилатлари тўғрисида ғоят таъсирчан фикрлар билдирилган. Бу таҳлилларни қайта-қайта мутолаа қилар эканмиз, бир муҳим жиҳатга амин бўламиз: баъзи раҳбарлар янги лавозим курсисига ўтиришгач, фаолиятларини республика раҳбарияти талаби даражасида бошлашади, куюнчаклик қилишади, югуриб-елишади, вилоятда ёки шаҳарда янги ташаббуслар, самарали ҳаракатлар бошланади. Маълум вақтгача камтар-камсуқум ҳаёт кечиришади, манманлик, такаббурлик кўчасига киришмайди. Аммо орадан бир-икки йил ўтгач, аҳвол аста-секин ўзгара бошлайди. Дастлабки ютуқлар, ёнатрофига тўпланган ҳайбаракаллачиларнинг офаринбозликлари бошларини айлантириб қўяди, "Ҳамма айтган гапим тўғри, ҳамма муваффақият меники, нима десам шу бўлади" деган фикр ақл-шуурларини эгаллаб олади. Бошқаларнинг фикрини менсимаслик, эшитмаслик бошланади. Навбатдан ташқари сессияларда таъкидланганидек, ўта масъулиятли лавозим ишониб топширилган, бунгача турли лавозимларда ишлаб, тегишли тажриба орттирган, кўпчилик ишончига сазовор бўлган айримлар раҳбарликни яқинларига, дўст-қадрдонларига, "яхшилик"ни тушунадиган, ерда қолдирмайдиган таниш-билишларига маълум имтиёзлар яратиш, уларни "ёғли" лавозимларга кўтариш, улар учун керакли эшикларни очиб қўйиш деб тушунадилар. Натижада бундай марҳаматларга сазовор бўлган кишилар амалдаги қонун-қоидаларни четлаб ўтиш ҳаракатига тушадилар, кўнгилларига келган номақулчиликларга қўл урадилар.

Давлатимиз раҳбарининг нутқ ва маърузаларида эл-юрт ишончини оқламаган, амал курсисига ўрнашиб олгач, халқдан узоқлашиб, оёғи ердан узилиб, ўзини худдики бу лавозим унга ота меросдай тута бошлаган, ён-атрофидагилар билан маслаҳатлашишни ўзига эп кўрмаган раҳбарлар таназзули чуқур таҳлил этилган. Энг ачинарлиси шуки, бундай раҳбарлар, қайси соҳада бўлмасин, хизмат ваколатини қўпол равишда суиистеъмол қилиб, қонунларга амал қилишни бошқалардан талаб қилганлари ҳолда, ўзлари бу талабларни аёвсиз равишда оёқости қиладилар. Халқ ҳамма нарсани кўриб, билиб туради ва адолатли баҳо беради.

Бундан англашиладиган хулоса шуки, раҳбар, энг аввало, ўзига нисбатан ўта талабчан бўлиши керак. Ҳаётнинг бугунги шиддати шундайки, ҳар қандай тажрибали раҳбар ҳам ўз билими, тажриба ва маҳоратини муттасил ошириб бориши, дунёда кечаётган турли жараёнлардан яхши хабардор бўлиши, бундан-да муҳими, ҳаётда ва ишда бошқаларга ўрнак бўлмоғи даркор. Яхши раҳбар янги илғор технологияларни ўз вақтида қўллаб, ишлаб чиқаришни кенгайтиради, маҳсулот турларини кўпайтиради, янги ишчи ўринлари яратади, бозор талабларини пухта эгаллаган бўлади. Бундан-да муҳими, бундай раҳбар ўзига нисбатан бошқаларнинг ишончини қозонишга ва бу ишончни суиистеъмол қилмасликка ҳаракат қилади. Атрофида нияти пок, тадбиркор ва журъатли, кўзи тўқ одамлар бўлишига эришади.

Мустақиллик йилларининг ҳар бири миллий тараққиётимиз солномасига ўзининг салмоқли улушини қўшди. Кейинги икки ўн йилликда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда эришган ютуқларимиз, Ўзбекистоннинг бугунги умумий салоҳияти, дунё ҳамжамиятидаги ўрни шундан далолат берадики, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олган заруратга айланди. Одамларнинг ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошди, онг-тафаккури юксалди, мамлакатимизда янгича дунёқарашга эга, мустақил фикрлайдиган, замонавий билимларни чуқур эгаллаган иқтидорли, ташаббускор, эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга тайёр, истиқлол ғояларига садоқатли ёш авлод вояга етди. Бундай ёшлар билан ҳар қандай муаммони ҳал қилса, ҳар қандай маррани эгалласа бўлади.

М. АҲМЕДОВ

Халқаро конференция

Жорий йилнинг 6-7 июнь кунлари Пойтахтимиздаги «Radisson Blu» меҳмонхонасида «Ижтимоий ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: халқаро ва миллий тажриба» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ижтимоий ҳамкорлик:

халқаро ва миллий тажриба

Тадбир Фуқаролик жамияти шакланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Ўзбекистон ННТ Миллий ассоциацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси, БМТнинг Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЕҲҲТ, Ф.Эберт номидаги Фонд томонидан ташкил этилди.

Тадбирда халқаро ва миллий экспертлар, Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлиси Сенати аъзолари, вазирлик, муассаса, ижтимоий ташкилотлар ва ОАВ ходимлари қатнашди.

Конференциядан кўзланган асосий мақсад экспертлар тажрибаси орқали ижтимоий ҳамкорликни ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини кенг қамровли муҳокама қилиш, ННТнинг ҳукумат органлари ва бошқаруви билан ҳамкорлигини янада ошириш, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўтказилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар, ижтимоий ҳамкорлик соҳасида мамлакатдаги ютуқлар ҳақида маълумот беришдан иборатдир.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос келувчи ҳамда мукаммал қонунчилик тизими шаклланганги ва бу тизим нодавлат ташкилотларнинг мустақил ва эркин фаолият юритишини таъминлаётганини алоҳида таъкидлашди.

Конференцияда таъкидландики, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг жадал ривожланаётган жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштиришда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорликда аниқроқ, батафсил қонунчилик шакли ва ва ташкилотлар механизмини ишлаб чиқиши талаб этилади. Шу мақсадда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепсиясида олиб чиқилган «Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш ташаббуси бугун ўз долзарблилиги жиҳатидан аҳамиятлидир.

Экспертлар фикрича, «Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида»ги Қонун ННТнинг давлат тизимлари билан ижтимоий-иқтисодий дастурларни ривожлантириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолисининг турли қатламлари ҳуқуқи, эркинлиги ва қизиқишларини ҳимоялаш ижтимоий ҳамкорликнинг бундан кейин янада тараққий эттириш учун етарли ҳуқуқий асос яратади.

Хорижлик экспертлар Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорликни ўрнатишда, айниқса, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоялаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар тарбияси борасида ўзига хос тажриба тўпланганини алоҳида эътироф этишди.

Муҳокамалар давомида қатнашчилар «учинчи сектор» фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида қатор таклифлар билдиришди. Жумладан, ННТ ходимларини ижтимоий ҳамкорлик доирасида фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ижтимоий долзарб муаммоларни ҳал этиш каби ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни мониторинг қилиш белгилаб олинди.

Феруз ЖЎРАЕВ,
«Adolat» мухбири

Фаол ва ташаббускор

хотин-қизлар жамиятнинг ажралмас қисмидир

Аёллар қаноти

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Уларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш учун ўтказилаётган тадбирлар хотин-қизларнинг дунёқарашини ўзгартириб, оила ва жамиятдаги ўринларини янада чуқурроқ билишлари учун асос бўлмоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши билан Кенгашнинг «Аёллар қаноти» ҳамкорлигида ташкил этилган «Сиёсий жараёнларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш — долзарб масала» мавзусидаги ўқув-семинарда масаланинг ана шу жиҳатларига жиддий эътибор қаратилди.

Тадбирда партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари "Аёллар қаноти" етакчилари сиёсий билимларини оширишди. Эксперт ва олимлар Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асари, давлат ҳокимияти тузилиши, партиянинг хотин-қизларга оид сиёсати, сайлов тизимига доир қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатлари ва унда хотин-қизлар иштироки каби бир қатор мавзуларда маърузалар қилдилар.

— Жорий йил мобайнида ўтказилган тадбирларимизнинг салмоқли қисмини хотин-қизлар фаоллигини ошириш, ижтимоий-сиёсий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ тадбирлар ташкил этади, — деди «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши «Аёллар қаноти» раиси У.Сейтжанова — Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистон «Адолат» СДП аёлларга мамлакатимизнинг бугунги куни ва истиқболдаги ривожида муҳим ҳаракатлантирувчи куч сифатида қарайди ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдоридир. Қолаверса, даврнинг ўзи сиёсий партиялар зиммасига улкан масъулият юкламоқда. Уларнинг бажарилиши эса барчадан янада фаоллик, ташкилотчилик ва жипсликни талаб этади.

Семинар давомида аёлларнинг маънавий, интеллектуал, касбий салоҳиятини рўёбга чиқариш, хотин-қизлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тўғрисида тушунчалар берилди. Шунингдек, партиянинг «Аёллар қаноти» давлатнинг хотин-қизларга қаратилган сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган амалдаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, ҳаракатлар, уюшмалар, қўмиталар ва бошқа муассасаларда иштирокини фаоллаштириш, хотин-қизлар турмуш сифатини яхшилаш, фуқароларда гендер муносабатларини шакллантиришга эришиш йўлидан бораётганлиги алоҳида таъкидланди.

— Савол-жавоб тарзида ўтган семинар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишиш имконини берди, – деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Элликқалъа тумани кенгаши «Аёллар қаноти» раиси М.Садуллаева.

Тадбир иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

Мижозлар манфаати йўлида

Реклама ўрнида

Бугун мамлакатимизда мулкдорларнинг ўрта синфи— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тобора ривожланаётгани, ўз бизнесини йўлга қўяётган ишбилармонлар сафи тобора кенгаяётгани қувонарли ҳолдир. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланётган ишбилармонлар юртимиз иқтисодий тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

ІРОТЕКА BANK

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тижорат банклари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, «Ипотекабанк»нинг Миробод филиали ҳам мижозларга яқин мададкор ва камарбаста бўлишга интилаётир. Жумладан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит миқдори 14,083 млн. сўмни ташкил этди. Амалий саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, жойларда кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги кунда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банкларининг молиявий кўмаги билан айни соҳага ихтисослашган корхоналар сони ортиб бораётганлиги эътиборга моликдир.

Бу эса ички бозорни маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиришда алоҳида ўрин тутаяпти.

«Ипотекабанк» Миробод филиали жамоаси ҳам давр талабларидан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида соҳага 2654,5 млн. сўм миқдорида кредит йўналтирилди. Шу билан бирга ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳам молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланмоқда. Жорий йилнинг айни давригача ушбу мақсадлар учун 2898,7 млн. сўм кредит маблағи ажратилганлиги фикримиз далилидир.

Маълумки, ёш оилаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, мустақил ҳаёт йўлида уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, уй-жой ва маиший шарт-шароитларни яхшилашда яқин мададкор бўлиш ислоҳотлар жараёнидаги долзарб масалалардан бири саналади. Йил бошидан буён филиал томонидан ёш оилаларга ажратилган кредит миқдори 131 млн. сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 1,996,9 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Инвестицион кредитлар ҳажми 3,837 млн. сўм, бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида йўналтирилган кредитлар миқдори эса 94,7 млн. сўмдан зиёдроқдир.

Кези келганда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ихтиёр этган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўз келажагини ушбу соҳа билан боғлаган йигит-қизлар филиал жамоасининг эътиборидан четда эмас. Жумладан, айни пайтгача касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун 20 млн. сўм кредит ажратилди. Йил охиригача ушбу миқдорни бир неча баробарга ошириш кўзда тутилаяпти.

Шунингдек, имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан 50 млн. сўм кредит сармояси ажратилган бўлиб, унинг 35 млн. сўми «Маъруф мебеллари» масъулияти чекланган жамияти ҳиссасига тўғри келади. 2009 йилдан буён «Ипотека-банк» Миробод филиалининг мижози ҳисобланган ушбу корхона кредит маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш, шу ҳисобдан коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашни режалаштирган. Корхона мебелсозликка ихтисослашган бўлиб, унинг юқори сифатли маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Ипотека-банк» Миробод филиали ҳаётий талаб ва эҳтиёжлар асосида фаолият юритмоқда. Банк филиали томонидан амалга оширилаётган барча тадбирлар мижозлар манфаатини назарда тутган ҳолда хизмат сифати ва савиясини янада юксалтиришга қаратилган.

Банк матбуот хизмати

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси асримизнинг энг ўткир муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ижтимоий хавфи юқори бўлган мазкур иллатга қарши кураш борасида республикамиздаги ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари билан ҳамкорликда Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳам қатор амалий чора-тадбирлар олиб борилаяпти.

Вагонлардаги "оғу"

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, бутун дунёда етиштирилаётган опийнинг 93 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. Афғонистонда ишлаб чиқарилган опий ва героин Ўзбекистон ҳудудига, асосан, Тожикистон, Қирғизистон ва бевосита Афғонистондан Амударё орқали жанубий Сурхондарё вилоятига, жануби-шарқда Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига ва шимоли-шарқда Фарғона водийси ҳамда Тошкент вилоятига кириб келмоқда.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогуруҳларнинг қонунга зид фаолиятини аниқлаш ва чек қўйиш, контрабанда каналларини ёпиш, гиёҳванд ўсимликлар майдонларини йўқ қилиш ва гиёҳвандлик иллати ёйилишининг олдини олиш бўйича махсус комплекс операциялар мунтазам равишда амалга оширилаётгани эътиборга молик.

Наркотик моддаларни ташувчилар бу "захри қотил"ни мева-сабзавотлар ичида, автотранспорт воситаларининг кўз илғамас "бўшлиқ"ларида, қўл юклари, маиший буюмлар, кийим-кечаклар орасида, инсон танаси, ҳатто, ички аъзоларига яширган ҳолда олиб ўтишга уринмоқда. Сўнгги йилларда эса гиёҳванд моддаларни мамлакатимиз ҳудудидан транзит тарзида ўтувчи поезд вагонларига яширган ҳолда олиб ўтишга уринишлар ҳам тез-тез кўзга ташланаётгани ачинарлидир.

Масалан, республикамиздан транзит тарзида ўтаётган "Душанбе — Москва" йўловчи поездининг тожикистонлик М.Нормаматов ва М.Тураевлар кузатувидаги вагонини божхона назоратидан ўтказган божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилларида вагондаги суюқ газ баллони шубҳа уйғотди. Шубҳалар эса бежиз эмас экан. Баллон текширилганда унинг ичи хуфёна тарзда 7,7 килограммдан ортиқ героин моддаси билан тўлдирилганлиги фош қилинди.

Худди шундай ҳолат қорақалпоғистонлик божхоначилар томонидан ҳам аниқланди. Хўжанддан Москвага йўл олган йўловчи поездининг тожикистонлик М.Ҳасанов кузатувидаги вагони бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда божхона назоратидан ўтказилганда, вагоннинг остки қисмидан моҳирлик билан ўралган 7 дона полиэтилен ўрамлари топилди. Холислар иштирокида кўздан кечирилган мазкур ўрамларда эса салкам 9,3 килограмм героин гиёҳванд моддаси бор экан. Шу тарзда Россия Федерациясига йўл олган "оқ ажал"нинг сафари эрта қариди.

Тожикистон Республикасидан "Бекобод" темир йўл чегара божхона пости орқали Литвага йўл олган юк поездини бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда божхона назоратидан ўтказган божхоначилар поезд вагонларининг остки қисмларига 11 дона ўрамлар яширилганини фош қилишди. Мазкур ўрамлар холислар иштирокида кўздан кечирилганда, уларнинг ичига салкам 11 килограмм героин гиёҳванд моддаси жойланганлиги аниқланди.

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда Юқори Чирчиқ туманида фуқаро А.Абдуакимовнинг хонадони амалдаги тартибларга мувофиқ ва холислар иштирокида кўздан кечирилганда, уйнинг томига 4,6 килограммдан ортиқ марихуанна моддаси яширилгани фош қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Давлат божхона қўмитаси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 2011 йилда аниқланган 120 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида салкам 185,6 килограмм, жорий йилнинг 30 майига қадар аниқланган салкам 50 та ҳолатда эса 34,6 килограмм гиёҳванд моддаларнинг олиб ўтилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Хўжалик юритувчи субъектлар қонун ҳимоясида

Матбуот анжумани

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мулкчиликнинг турли шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиши ва уларнинг қонуний-ҳуқуқий фаолиятларини кафолатлашга катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, шартнома интизомини тартибга солувчи барча қоидаларни ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунлар шартнома муносабатларини соддалаштирилган ҳолда амалиётда қўлланилишига имкон яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш масалалари»га бағишланган матбуот анжуманида ана шундай фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони шартнома муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан Адлия органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартнома тузилишида шартнома тарафларига мунтазам равишда зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

— Фермер хўжаликлари субъектлари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида, — деди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари А.Усманов, — Адлия вазирлиги томонидан «Хўжалик шартномалари бажарилишининг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги қўлланма ҳамда «Фермер хўжаликлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» тўплами ишлаб чиқилди. Бундай амалий тадбирлар, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб олишда ва яратилаётган қонунлар ҳамда имкониятлардан мунтазам бохабар бўлишида амалий қўлланма бўлмоқда.

Шартномавий муносабатларни тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад, бу — фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Матбуот анжуманида журналистлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда бу борадаги қонун ижодкорлиги юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

Ойбек ТОЖИБОЕВ

Болалар оромгоҳга йўл олди

Ёзги таътилга чиққан Оролбўйидаги бир гуруҳ ўқувчилар Нукус темир йўл шоҳбекатидан Тошкент шаҳридаги дам олиш масканларига жўнаб кетди.

Бу йилги ёз мавсумида 2 минг 700 нафар қорақалпоғистонлик ўқувчиларни пойтахтимиз, Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларидаги сўлим оромгоҳларда дам олдириш режалаштирилган.

Дастлабки 200 нафар болажонлар Тошкент шаҳридаги "Гулбаҳор" оромгоҳига йўл олди.

— Ўғлим Шоҳруҳни Тошкент шаҳридаги оромгоҳга кузатмоқдаман, — дейди Омонгул Адилбоева. — У ерда кўплаб дўстлар орттириб, мазмунли дам олиб келишига ишонаман. Фарзандларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун Президентимиздан чексиз миннатдормиз.

Болажонлар оромгоҳда ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қиладилар.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Бузоқнинг югургани сомонхонагача...

Қилмиш-қидирмиш

Кейинги пайтлари нимагадир оғзини тўлдириб бировнинг номидан гапирадиган, ўзганинг меҳнати билан яратилган маҳсулотни «Меники!» деб кўкрак керадиган фирибгар-товламачилар кўпайиб қолгандек. Албатта, сохта обрў ёки ҳаром бойликка фақат ёлғон-яшиқ билан эришилади. Бироқ бундай айёр кимсалар оддийгина «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», деган пурмаъно нақлни унутиб қўймоқдалар.

Келинг, айрим мисолларга мурожаат этайлик.

* * *

2011 йилнинг кеч кузи.

Далага, деҳқонлар ҳузурига пиёз излаб келган икки наманганлик тадбиркор қаршисидан учқўрғонлик Ўрқул Умаров (айбдорлар ва жабрланувчиларнинг исм-фамилиялари ўзгартирилиб берилмоқда — С.А.) чиқиб қолди. Салом-аликдан сўнг Умаров меҳмонлардан далага келиш сабабини сўради.

— Пиёз олмоқчийдик, — деди тадбиркорлардан бири.

Бунақа масалаларда пихини ёрган, тенг-тўшлари орасида «Шапка» лақаби билан танилган Ў. Умаров киприк қоқмасдан:

— Пиёзнинг зўри мана бизда-да, — деди. Сўнг харидорларни шу яқин пайкалда тўп-тўп уйиб қўйилган бировнинг хирмонига етаклаб борди.

— Мана пиёз, қанча керак?

— Бир «КамАЗ» оламиз, — дейишди харидорлар.

— Шунақами? Лекин айтиб қўяй, бу энг кичкинаси носқовоқдек келадиган испанча пиёз. Биттасининг ўзи бир ошликка етади. Нархиям шунга яраша.

Хуллас, узоқ тортишувдан кейин ҳар кило пиёз 800 сўмдан баҳоланди. Шаҳарликлар 10 тонна пиёз оладиган бўлишди.

— Эртага эрталаб машина билан келамиз, — дейишди харидорлар.

Аммо сотувчи кўнмай туриб олди:

— Бугунги савдо эртага тўғри келмайди. Ё бўлмаса ўн фоиз закалат пули бериб кетасизлар.

Харидорлар килоси шаҳар бозорида бир ярим минг сўмдан кетадиган пиёз учун дарҳол 800 минг сўм санаб беришди.

— Ана бўлди. Энди сизлар кетаверинглар. Фақат эртага эртароқ, иссиққа қолмай келсанглар бўлди, — деди сотувчи.

Эртасига саҳарлаб пиёз пайкалига «КамАЗ» кириб келди.

Кутилмаган меҳмонлар ташрифидан ҳайрон бўлган хирмон эгаси уларга пешвоз чиқди:

— Келинглар, меҳмонлар.

— Юкка келдик.

— Қанақа юк?

— Пиёзга-да. Кеча эгаси билан байлашиб, олдиндан 800 минг сўм бериб кетгандик.

— Ахир бу пиёзнинг эгаси менман-ку!

Шаҳарликлар ҳанг-манг бўлиб қолишди...

Чув тушган харидорлар дарҳол бориб тегишли идораларга ариза билан мурожаат қилишди. Сохта деҳқон тезликда қўлга олинди. Тез орада эса у суднинг қора курсисига ўтирди.

* * *

Тушлик пайти. Намангандаги «Сайдана» меҳмонхонасига пўрим кўринган 30 ёшлардаги киши кириб келди. У хизматчи аёлга:

— Бошлиқ ким бу ерда? Чақириб беринг! Мен миллий хавфсизлик хизматиданман, — деди.

Дарҳол етиб келган бошлиқ меҳмондан ҳеч бир ҳужжат сўрамади. Унинг махсус ходим эканлигига ишонди. Яхши хона кўрсатди.

1980 йилда Андижон вилоятида туғилган, ҳозирда Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида яшовчи Улуғбек Ўзбеков махсус ходим қиёфасида «Сайдана» меҳмонхонасига жойлашиб олгач содда одамларни бирин-кетин чув тушира бошлади.

Дастлаб ишни у наманганлик яқин таниши Акрам Ёқубовдан бошлади. Суҳбат орасида Акрам Ёқубов тирикчилик қийин кечаётганидан нолиди.

— Бунинг йўли осон, — деди Улуғбек Ўзбеков. — Уч юз доллар берсанг паспортингга виза урдириб бераман. Туркияга бориб, новвойхонада ишлайсан. Ойлигинг бир ярим минг доллар.

Акром Ёқубов ҳаяжонланиб кетди:

— Зўр-ку! Бир танишим бор, у ҳам борса бўладими?

— Албатта!

Орадан беш кун ўтиб Улуғбек Ўзбеков Акрам Ёқубов билан Наманган шаҳридаги «Сардоба» бозори яқинида учрашишди. Яна икки кундан кейин эса улар янги мижоз — Жўра Турғунов хонадонида йиғилишди. Уларга Бахтиёр Мавлонов ҳам қўшилди.

Хуллас, 200 АҚШ доллари ҳамда 100 минг сўм ва уч кишига тегишли ҳужжатларни олган Улуғбек Ўзбеков виза очтириш учун гўё Тошкентга жўнаб кетган бўлди.

Орадан яна 5 кун ўтди. Сохта ходим Наманганга қайтиб келганлигини билдириб қўйиш учун Жўра Турғуновга сим қоқди.

— Ҳаммаси жойида. Қолган пулни олиб келаверинглар!

— Ростданми? Унда паспортимга виза урилганлигини кўрсатсангиз. Акамнинг танишлари ҳам Туркияга бормоқчилигини айтишяпти.

— Гап йўқ!

Шундан сўнг Улуғбек Ўзбеков ўзига тегишли паспортнинг виза урилган варағини йиртиб олди-да, Жўра Турғуновга тегишли паспорт варақлари орасига жойлаштирди. Учрашган маҳаллари шу паспортни кўрсатди.

— Мана виза. Тезда Туркияга учасиз.

Паспортига виза урилганини кўрган Жўра Турғунов сохта ходимни таниши Комил Содиқов билан учраштирди. К.Содиқов ўзи ва хотинига виза очдириш учун 800 АҚШ доллари беради. Муяссар Жалолова эса қўлидаги 14 грамли тилла узугини беради. Бу-лардан ташқари Бобур Бўтабоев исмли фуқаро ҳам Туркия орзусида 400 доллар санаб беради.

Шунча пулни олгач, бирдан ғойиб бўлиб қолган сохта масъул ходим ички ишлар идоралари ходимлари ёрдамида қўлга олинди. Яқинда суд бўлиб ўтди. Улуғбек Ўзбеков қилмишига яраша жазо олди.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
"Adolat" мухбири

Денов: ҳақиқатга айланган орзулар

Мамлакатимизнинг энг жанубидаги Денов туманида истиқлол йилларида амалга оширилган ишларнинг кўлами ҳар қандай одамни ҳайратга солиши шубҳасиз. Қаранг, ўтган қисқа давр мобайнида 10 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, улар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Давлатимиз замонавий тиббий асбоб-ускуналар учун 932 миллион сўм ажратди. Мазкур тиббий масканларда 16 та «Дамас», битта «УАЗ» ва битта «Газел» русумли автомашиналар аҳолига хизмат қилмоқда.



60 ўринли тез тиббий ёрдам бўлимида эса 1998 йилдан бери 30 минг бемор саломатлигини тиклаб чиқди. Бу тиббий масканга 2006 йили 166 миллион сўмлик асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди ва улар ҳозир беморларнинг дардига шифо бўлмоқда. Шаҳримиз марказидаги «Перинатал» бўлим ва аёллар маслаҳат марказини реконструкция қилишга 1700,0 миллион сўм ажартилди. Бундан ташқари, туманимизда 15 дан ортиқ хусусий шифохоналар фаолият кўрсатмоқда. Чунончи, бултур Баҳром Худойназаров раҳбарлик қилаётган «Ултра-диагностика» хусусий корхонаси 250 миллион сўмлик тиббий ускуна сотиб олди, чунки табобат тадбиркорлик даражасига кўтарилмоқда. Нафақат Денов туманида, балки Сурхондарё вилоятидаги таниқли тадбиркорлардан Маҳмуд Иброҳимов «Файз» МЧЖга ўтган йили 3 миллиард сўмга 50 та «Исузу» автобуси сотиб олди. Натижада 60 та иш ўринлари яратилди. Ҳозир «Файз»нинг бу оппоқ автобуслари нафақат Деновнинг ички йўналишларида, балки қўшни Узун, Сариосиё, Олтинсой, Шўрчи туманлари йўлларида ҳам қатнамоқда.

Баҳодир Аҳмедов раҳбарлик қилаётган «САВБ» МЧЖ 20 гектардан зиёд майдонга олма ниҳолларини экиб, парвариш қилмоқда. Бу лойиҳага 950 миллион сўм ажратилган. Ана шундай ҳаракати билан бу тадбиркор 20 та иш ўрни яратди.

Адҳам Мўминов бошчилигидаги «Ҳумоюн-А» фермер хўжалиги 3 гектар майдонда ана шундай боғ яратмоқда. Бу лойиҳани амалга ошириш учун 180 миллион сўм сарфланди. Тадбиркор Баҳром Султонов эса 120 миллион сўмга яхна ичимликлар ишлаб чиқарадиган корхонани ишга туширди.

Саховатли тадбиркорнинг топганида барака бўлади, деган қанотли ибора бекорга айтилмаган. Ана шундай мурувватли тадбиркорларнинг ҳомийлик ёрдами билан ўтган йили 26 та хонадон ўз қорамолига эга бўлди.

Юқорида таъкидланган тафсилотларни биз бундан 20 йил илгари фақат орзу қилишимиз мумкин эди. Не тонгки, орзулар бугун ҳаётий ҳақиқатга айланди. Бу истиқлолнинг шарофати, албатта.

Агар кузатаётган бўлсангиз нафақат шаҳарларга, балки қишлоқларга ҳам файз кирмоқда. Чунки бу файзли гўшалар кун сайин обод бўлиб бораяпти. Масалан, «Хайробод» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Кўчакли» маҳалласида яқинда артезиан қудуғи қазилиб, 2,2 километр сув қувури тортилди ва сув минораси ўрнатилди. «Оловуддин» маҳалласидаги бурғу қудуғи ҳам реконструкция қилиниб, 1 километр сув қувури тортилди. «Дунётепа» маҳалласини бурғу қудуғи билан боғлаш учун 600 метр сув қувури ўрнатилди.

Юқорида таъкидланган тафсилотлар Деновда амалга оширилаётган самарали тадбирларнинг мингтасидан биттаси, десам муболаға бўлмайди. Улкан ўзгаришлар ижрочилардан мукаммал билим талаб қилади. Шунинг учун бутун мамлакатимизда бўлгани сингари Денов туманида ҳам эртанги кунларимиздаги муваффақиятларга кафолат бўладиган ёшларимизнинг ҳар томонлама билимли бўлиб етишишлари учун кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Туманда мустақиллик йиллари 14 та мактаб биноси янгидан қурилди, 24 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди.

Алимардон Жумаев директорлик қилаётган 17-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатининг ўқувчилари республика олимпиадаларида мунтазам равишда пешқадамлик қилишмоқда. Хосият Қораеванинг ишчанлиги туфайли 1-мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари республика микёсидаги танловларга муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаётганликлари таҳсинга лойиқдир.

Тумандаги умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларнинг билим даражасини тасаввур қилишингиз учун битта тафсилотни қайд этиб ўтаман: ўтган йили Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Билимлар беллашуви» ташкил этилди ва деновлик ўқувчилар вилоятимизда биринчи ўринни эгаллашди.

Ҳа, Истиқлол берган неъматлар ҳар бир фуқаро ҳаётида, тафаккурида намоён бўлмоқда. Ҳар тонг хонадонларимиздаги тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик учун дилдан шукрона айтамиз. Бу туйғуни қалбдан ҳис этиш учун туманимиз бозорларида, мухташам таълим ва шифо масканларида, қушдай учиб юрган машиналарга тўла кенг ва обод кўчаларимизда бўлишнинг ўзи кифоя...

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Денов туман маънавият ва тарғибот бўлими раҳбари



www.adolat.uz *сайти саҳифаларида*:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, фракциямиз аъзоларининг ўз округлари сайловчилари билан ўтказган учрашувларидан қайноқ репортажлар, учрашувда кўтарилган масалалар ва сайловчилар мурожаати бўйича барча тафсилотлар сайтимиз янгиликларида мужассам.
- “Онлайн депутат”: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Худоёр Маматов ўқувчиларнинг Ўзбекистонда сайлов тизими, депутатнинг вазифа ва ваколатлари, партиямизнинг сиёсий майдондаги ўрни каби мавзуларини қамраб олган мурожаатлари ҳамда “Адолат” газетаси ва журналистларга оид ҳужжатли фильм ҳақидаги барча саволларга жавоб берди.
- Янги ташкил этилган “Матбуот котиблари блоги”да партия ҳудудий Кенгашлари матбуот котиблари нафақат сиёсий ва партиявий, балки эркин жанрларда ҳам ижод қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўқинг, қизиқ

Йўлда *SMS* ёзманг!

Нью-Жерси штатидаги Форт Ли шаҳри ҳокимияти йўл-йўлакай телефонида SMS ёзиб кетадиган одамларга қарши тарғибот кампаниясини бошлаб юборди.

The New York Daily News-нинг ёзишича, шаҳарда пиёда юрганда SMS ёзиб кетишни тақиқлайдиган қонун қабул қилинди. Ушбу қонун талабларини бузганларга полиция ходимлари жарима солишни аллақачон бошлаб юборган. Маҳаллий ҳокимиятнинг бундай қаттиқ йўлдан боришига SMS ёзиб юрган одамлар билан содир бўлаётган йўл-ҳаракати ҳодисалари сабаб бўлган. Шаҳар полицияси сўзларига қараганда, жорий йилнинг ўзида йўлда машиналар SMS ёзиш билан банд бўлган ҳолда қизил чироқдан ўтиб кетган 20 кишини уриб юборган. Дастлабки 15 кун ичида мазкур қонун бўйича жавобгарликка тортиш қайд этилса-да, жарима тўламаслик мумкин. Фақат қоидани бузган шахслар полиция ходимидан тушунтириш олишга мажбур бўлишади. Аммо ушбу муддат тугагач, қонун талабларини бузган шахслар 85 доллар жарима тўлашга мажбур бўлади.

Ажабтовур меҳнат кодекси

Франция иқтисодиётига оид кичик статистика: мамлакатдаги 49 та ходимли фирмалар сони 50 та ходим ишлайдиган фирмалар сонидан 2,4 баробарга кўп. Ҳаҳотки битта ишчи шунчалар муҳим роль ўйнаса? Франциянинг Меҳнат кодексига кўра, бу жуда муҳим! Бизнесменларнинг сўзларига кўра, Францияда бизнес юритиш учун энг катта тўсиқ ишчи кучининг қимматлиги эмас, балки бу бўйича қонунчиликдаги ислоҳотларнинг етишмаслигидир. Чунки мамлакатнинг Меҳнат кодекси қабул қилинганига 100 йилдан ошган.

Франция ҳудудида жойлашган фирманинг ишчилари сони 50 нафарга етиши биланоқ, у учта ишчи қўмита тузиб, фойдани тақсимлаш бўйича масалаларни ҳал қилиш учун ходимларни жалб қилиши лозим бўлади. Агарда бирор иқтисодий сабабларга кўра ишчилар сонини қисқартирадиган бўлса ҳам фирмани қайта ташкиллаштириш режасини тақдим қилиши лозим.

Қизиқ, француз бизнесменлари бу каби мажбуриятларни ўз бўйнига олишни истамай, бунинг ўрнига янги кичик-кичик фирмаларни очишни афзал кўришади.

Мамлакатнинг 102 ёшга тўлган Меҳнат кодекси ("Code du Travail") катта сондаги одамларни ёллаш учун асосий тўсиқ бўлиб келмоқда. 3 200 саҳифадан иборат ушбу ҳужжатда корхона фаолиятининг барча турлари, ходимларни ишга олишдан тортиб уларни бўшатишгача бўлган жараённи ўзида акс эттирган.

Бугунги кунда Францияда 2,9 миллион одам ишсиз, яъни меҳнатга лаёқатли аҳолининг 10 фоизи иш билан банд эмас. Бу мамлакатнинг сўнгги 12 йиллик тарихидаги энг юқори кўрсаткич.

Францияда 100 кишилик корхоналарда ҳар ҳафта мажлис ўтказиб (муҳокама қилишга арзийдиган муаммо бўлмаса ҳам) туриш учун 10 кишилик ишчи гуруҳ тузилиши шарт қилиб белгиланган.

Агарда компания фойда кўриб ишлаётган бўлса, у ўз ходимини ишдан бўшатиши учун бир қанча шартларни бажариши лозим. Ҳатто, суд бундай ҳолларда фирма раҳбарини Меҳнат кодексини бузганликда айблаб, панжара ортига юбориши ҳам мумкин.

Париждаги Меҳнат институти директори Бернард Вивьер бу муаммога бошқача кўз билан қарайди: "Бугунги кундаги автомобиллар 40 йил олдинги ҳолатига қараганда анча мураккаб. Шундай экан, нега Меҳнат кодекси содда бўлиши керак экан".

Рекорд ўрнатилди

Германия қуёш энергиясини ишлаб чиқариш бўйича жаҳон рекордини ўрнатди, дея хабар беради Reuters Тикланадиган энергия манбалари индустрияси институтига таянган ҳолда (Institute of the Renewable Energy Industry — IWR).

Ўлчаш ишлари ўтказилган пайтда немис қуёш қурилмалари соатига 22 гигаватт электр энергиясини ишлаб чиқаришди. Бу шу вақтда 20 та тўлиқ кувватда ишлаётган атом электр станцияси ишлаб чиқарадиган энергия миқдорига тенг.

Ишлаб чиқарилган энергия Германиянинг энергия эҳтиёжини деярли 50 фоизга таъминлади. IWRда таъкидлашларича, ҳозирча ҳеч бир давлат бу кўрсаткичга яқинлаша олмаган.

Айни пайтда тикланадиган энергия манбалари Германиянинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг қарийб 20 фоизини таъминламоқда. Таъкидлаш керакки, Германия аста-секин тўлиқ тикланадиган энергия манбаларига ўтишни режалаштиряпти.

Германия ҳукумати Япониядаги "Фукусима-1" АЭСдаги авариялар сериясидан сўнг атом энергиясидан воз кечишга қарор қилди. 2011 йили 8 та АЭС ёпилди. Қолган 9 таси 2022 йилгача ёпилиши режалаштирилган.

Фаррух АБДУСАМАДОВ
тайёрлади

Х.АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ибратли оилалар кўриги

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Яқинда Андижон шаҳрида вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида “Мустаҳкам оила – жамият таянчи” мавзуида фестиваль бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан кўплаб оилалар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Фестиваль доирасида спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфидаги бадиий жамоаларнинг концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, бир неча номинациялар бўйича кўрик-танловлар ўтказилди. Уларда барча туман ва шаҳарлардан келган энг намунали оилалар вакиллари турли йўналишлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

“Энг ибратли оила” кўрик-танлови ғолибларини аниқлашда иштирокчиларнинг оила барқарорлигини таъминлаш борасидаги билимлари, ҳаётий тажрибалари ҳисобга олинди. Оила аъзоларининг бурч ва масъулияти, маънавияти, китобхонлик даражаси, халқимизнинг миллий урф-одат ва қадриятларини қай даражада билиши ва асраб-авайлаши, оила бюджетини шакллантириш, оила даромадини ўринли сарфлаш, томорқадан унумли фойдаланиш, фарзандларни меҳнатга ўргатиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маҳалла ва жамоат ишларидаги фаоллиги ҳамда меҳр-мурувват кўрсатиш борасидаги ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Суратда: Жалақудуқлик Бахтиёржон Бегматов оиласи тайёрлаган палов кўпчиликка манзур бўлди.

Зангиота тумани, Хонобод ҚФЙ, Сой бўйи кўчаси, 207-уйга мулк ҳуқуқини берувчи ТА серияли №0844082 рақамли Давлонов Садриддин Турниёзовичга Зангиота тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан 2009 йил 23 сентябрда берилган гувоҳнома йўқолгани сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худоёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;

Телефонлар: қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89.*

Навбатчи муҳаррир — Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ.
Навбатчи — Ойбек ТОЖИБОЕВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 600. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9550.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 03.30
1 2 4 5